



«КИМ ВАТАНГА СОДИҚ БЎЛСА, МЕНДУРМАН ЎША!»



www.mv-vatanparvar.uz

vatanparvar09@mail.ru

VATAN – MUQADDAS, UNI HIMOYA QILISH SHARAFLI BURCHDIR!



Сайтимизга ўтиш
учун QR-кодини
сканер қилинг.

VATANPARVAR



4-Б-БЕРДА

МАШҚЛАРДА НАМУНА
КЎРСАТГАН ЎҒЛОНЛАР



6-Б-БЕРДА

СОҲА ФИДОЙИЛАРИ
ШАРАФЛАНДИ

● Ўзбекистон кураш федерациясига Жанубий Кореяning «Top Promotion» компанияси бошқаруви вакиллари ташриф буюрди. Унга кўра, келажақда курашни Олимпия ўйинлари дастурига киритиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, жаҳон ёшларини кураш спорт тури билан шуғулланишга кенг жалб этиш, курашни ўзбек бренди сифатида жаҳон дурданасига айлантириш ва халқаро нуфузини юксалтириш, мустаҳкамлаш борасида ҳамкорлик қилиниши келишиб олинди.

● Профессионал бокснинг супер ўрта вазн тоифасида рингга кўтарилаётган ҳамюртимиз Бектемир Мелиқўзиев (6-0, 5 КО) 2021 йил 30 январь куни собиқ жаҳон чемпиони Сергей Ковалёвга (34-4-1, 29 КО) қарши жанг қиласди.

● 1907 йил (бундан 113 йил олдин) – тарихчи Шаҳодат Муродованинг қайд этишича, Туркистон ўлкасида маҳфий разведка билан шуғулланувчи маҳсус орган – Туркистон район муҳофаза бўлими таъсис этилди. Бевосита марказга бўйсунувчи Ички ишлар вазирлигининг Полиция департаменти органини руслар «охранка», маҳаллий аҳоли эса «сиёсий идора» деб атаган.

ЎзА материаллари асосида тайёрланди.



1

ШУНДАЙ АСАР
ЁЗСАНГКИ...

12

ИСЛОМ
ХАРИТАШУНОСЛИГИДА
ДУНЁ ТОМОНЛАРИ

18

ШЕРЮРАК
РАЗВЕДКАЧИ

22

БИЗ БАХТЛИ
ОТА-ОНАЛАРМИЗ

Мудофаа вазирлиги тизимига оид сўнгги янгиликлар
билин қўйидаги манзиллар орқали танишинг:



t.me/mv_vatanparvar_uz
t.me/mudofaa_press



facebook.com/UzArmiya



instagram.com/uzbekistanarmy

2020 йил 18 Декабрь, №51 (2906)

МИЛЛАТ КҮЗГУСИ

“ Тарих гувоҳ: 1989 йил 21 октябрда ўзбек тилига Давлат тили мақомининг берилиши халқимиз ҳаётида, шубҳасиз, буюк тарихий воқеа ва Ўзбекистоннинг мустақиллик сари қўйган илк тамал тоши бўлди. Давлатимиз ҳурлиги ёълон қилиниши билан она тилимиз ўзининг ҳақиқий ўрни ва мавқеига эга бўлди.

Дунёнинг қадимий ва бой тилларидан биро бўлган она тилимизга миллый меросимизнинг асосларидан бири сифатида катта эътибор қаратилиб, унинг маънавий даражасини кўтариш, соғлигини сақлаш, бу борадаги қонунчилигимизнинг маъно-мазмунини ёш авлод онгига сингдириш йўлида улкан ишлар амалга оширилди.

Ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсдаги обрў-эътибо-

**4-мода.**

Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир.

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлади, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади.



руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлаш мақсадида ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлигининг 30 йиллигини нишонлаш арафасида – 2019 йил 21 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидағи нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ёълон қилинди.

Мазкур Фармонга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси тузилмасида Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил этилди, шунингдек, ҳукумат қарори билан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, муассаса ҳамда бошқа ташкилотларда давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, ўзбек тилини ривожлантиришни таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчи (масъул ходим) лавозими жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти Республика Маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда «Қадринг баланд бўлсин, она тилим!» шиори остида республика танлови ёълон қилинди. Бундан кўзланган мақсад, тилимизнинг нуфузини ошириш ҳамда она тилимизга нисба-

тан меҳр-муҳаббат туйғуларини ёш авлодга сингдиришдир.

Донишмандлар «Тил – дил қалити» деб бежиз айтмаганлар. Ҳаётда ҳар бир яхши инсоннинг қалбига йўл топиш воситаси тил эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Чунки жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Шунинг учун ҳам барча халқлар ўз тилини она тилим, дея эъзозлайдилар.

Тил нафақат муомала воситаси, балки халқнинг маданияти, урф-одати, унинг турмуш тарзи, тарихидир. Қачонки болалар ўз она тилларида ўқиши тўхтатар экан, ўша тил йўқолиб кетиш арафасига келиб қолади. Тилларни саклаб қолиш, бу – ўша халқнинг маданияти, урф-одати, расм-руссумларининг сақланиб қолишини англатади. Чунки халқ тақдирни тил тақдирни билан бевосита боғлиқ.

Чин маънода тил халқни бирлаштиради, тарбиялайди, ўқитади. Шундай экан, она тилимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришда, уни миллый ва умумбашарий тушунчалар асосида тараққий этган тиллар сафига қўшишда ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз зарур!

**Моҳигул ТЎЙЧИЕВА,
мудофаа вазирининг маънавий-маърифий
ишлилар самарадорлигини ошириш,
«Давлат тили тўғрисида»ги қонун
ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш
масалалари бўйича маслаҳатчиси**

«ВАТАНПАРВАРЛИК ОЙЛИГИ»

“ Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти томонидан Чирчиқ давлат педагогика институтида «Ким Ватанга содик бўлса, мендурман ўша!» шиори остида «Ватанпарварлик ойлиги» доирасида давра сухбати ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганинг 29 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини муносиб кутиб олиш, уни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаш, аҳолининг миллый армиямиздан фаҳрланиш ва унга бўлган ишонч ҳиссини ошириш мақсадида ўтказилаётган «Ватанпарварлик ойлиги» бошланиши муносабати билан жойларда карантин қоидаларига амал қилинган ҳолда тантанали тадбирлар ташкил этиляпти. Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг бир гурӯҳ ҳарбий хизматчилари ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ҳарбий соҳага оид ислоҳотлар борасида маълумотлар берди. Сарҳадларимиз даҳлсизлигининг мустаҳкам қалқони бўлган армиямиз ҳар жиҳатдан, ҳатто қурол-яроғ ва ҳарбий маҳорат борасида ҳам ҳеч кимдан кам эмаслигини 2020 йилги Халқаро армия ўйинларида умумжамоа ҳисобида фаҳрли З-ўринни эгаллаганида қўриш мумкинлиги алоҳида қайд этилди.

ДАХЛДОРЛИК ҲИССИНИ ОШИРДИ

«Тенгдош тенгдошга» тамойили асосида ўтказилган учрашувда талаба ёшларга курсантлар билим юртида яратилган замонавий шароитлар, келгусидаги мақсад ва режалари тўғрисида сўзлаб берди. Ўзаро фикр алмашиб баробарида улар тенгқурларини қизиқтирган барча саволларга жавоб қайтарди.

– Бу оламда она Ватанни ҳимоя қилишдан муқаддасроқ бурч, халқ осойишталигини кўриқлашдан олий юмуш йўқ, – дейди Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти 4-босқич курсанти Отаниёз



Мадалиф сурдата оған



Райимов. – Бугунги кунда Ўзбекистон ўзининг кудратли, жанговар шайлиги юқори бўлган армиясига эга. У халқимизнинг тинч-осуда ҳаёт кечириши учун кечаю кундуз хизмат қилмоқда. Осоишталиқдек олий неъматни асраб-авайлаш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. – Жорий йилда халқимиз бошига тушган табиий ва техноген оғат-

ларни бартараф этишда ҳарбий хизматчилар биринчилардан бўлиб аҳолига амалий ёрдам кўрсатди, – дейди Чирчиқ давлат педагогика институти маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Ақмал Абдуллаев. – Пандемия даврида юрт посонланридан тузилган кўнгилли гурухлар томонидан қатор объектлар дезинфекция қилинди, кам таъминланган оиласаларга моддий ва маънавий кўмак берилди. Мамлакат Қуролли Кучлари дунёдаги энг етук армиялар қаторида замон талбларига мос равишда такомиллашатгани бизга фаҳр-ифтихор бағишлийди. Бугунги тадбир ҳам ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг фаол ҳаётӣ позициясини мустаҳкамлаш, мамлакат келажаги учун масъулият ҳиссини оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Улуғбек ТОЖИМУРОДОВ

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

“ Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида «Мудофаа вазирлиги томонидан ёшларда миллий ғурур, она юрга содиқлик, ватанпарварлик ва миллатпарварлик түйғуларини шакллантириш борасида ташкил этилган ишлар» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда Мудофаа вазирлиги масъул офицерлари ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида йил давомида амалга оширилган чора-тадбирлар сархисоби ҳамда келгусидаги фаолият истиқболлари хусусида батафсил маълумот берди.

Тадбирда таъкидланганидек, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш борасида тизимли ишлар олиб бориш ҳарбий округлар



«МАКТАБЛАР ҲАРБИЙ ҚИСМЛАРГА БИРИКТИРИЛДИ»



қўмондонлари ва ҳарбий қисмлар командирлари, барча тоифадаги ҳарбий хизматчиларнинг ўзига хос вазифасига айланниб улгурди ҳамда Қуролли Кучлар таркибий тузилмалари, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда янги ишлар механизми яратилди.

– Бугунги кунга қадар 9 мингдан зиёд умумталим мактаблари ҳарбий қисмларга бириктирилди, – дейди вазирликнинг Тарбиявий ва мағкуравий ишлар бош бошқармаси бошлиғи полковник Ҳасан Халилов. – Жумладан, умумталим мактабларида 6 074 та чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик синфи зарур жиҳозлар билан таъминланди. Полигонлардаги жанговар тайёргарлик машғулотлари ва тактик ўқувларига 30 575 дан ортиқ ёшлар жалб этилди. Профилактик ҳисобда турган ҳамда салбий иллатга мойил ёшлар ва ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ бўлган фуқароларнинг фарзандлари учун «Эр йигитнинг эр йигиттага айтган гапи таъсирили бўлади!» фояси остида «Ҳарбий қисмда бир кун» шиори билан 500 дан ортиқ ватанпарварлик тадбирла-

ри ўтказилди. Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббусни рўёбга чиқариш бўйича 940 та турли интеллектуал, спорт ва санъат тўгараклари ташкил этилиб, уларда 23 423 нафар йигит-қиз иштирок этмоқда. Шунингдек, Халқ таълими ва Мактабгача таълим вазирliklari билан ҳамкорликда ҳарбий қисм ва муассасаларга экспурсиялар, маънавий-маърифий тадбирлар, ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар кўргазмаси, спорт мусобақалари, тарғибот акциялари ташкил этилди. Натижада республика бўйича ички ишлар органларида профилактик ҳисобда турган 45 956 нафар ёшдан 2020 йилнинг ўтган даврида 30 877 нафари (67 фоизи) профилактик ҳисобдан чиқарилишига эришилди.

Анжуманинг савол-жавоблар қисмida энг долзарб масалалар ўртага ташланди. Якунда журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга мутахассислардан жавоб олдилар.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ

“ Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида «Мудофаа вазирлиги томонидан ёшларда миллий ғурур, она юрга содиқлик, ватанпарварлик ва миллатпарварлик түйғуларини шакллантириш борасида ташкил этилган ишлар» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тинч-осудаликда ўтаётган ҳар бир кун ҳарбий хизматчилар учун қутлуғ сана, ватанпарварлик айёми. Республикамиз миқёсida 15 декабрдан – 15 январгача «Ким Ватанга содик бўлса, мендурман ўша!» шиори остида ўтказиладиган «Ватанпарварлик ойлиги» эса уларнинг шижаот ва ғайратини янада оширишга, ҳалқ ва армия бирдамлигини, жиспслигини мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлиdir.

Шу маънода Тошкент ҳарбий округига қарашли ҳарбий қисмлардан бирида «Ватанпарварлик ойлиги» бошланиши муносабати билан ўтказилган тантаналар расмий очилиш маросими тусини олди. Унда ҳарбий хизматчилардан ташқари, Қуролли Кучлар фахрийлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вакиллари ҳам иштирок этишиди. Ҳилпираб турган байроқлар остидаги тантанали марш чоғида ҳар бир иштирокчининг юрагидан «Ким Ватанга содик

бўлса, мендурман ўша!» деган хайқириқ янгарди, гўё.

– Ойлик доирасида нафақат ҳарбий қисмимиз, балки бўлинмамизнинг режасини ҳам ишлаб чиқдик. Қандай қилсан, ёшлар билан яна ҳам яқдил бўламиз? Бу йўлда учрашув ва мулоқотлар, танлов ва сўровномалар, кўргазмали чиқишилар ташкил қилишини режалаштиридик. Мен ишонаманки, «Ватанпарварлик ойлиги чин маънода ёш ўғил-қизларимиз ва ватандошларимиз юрагида она юрга мухаббат ҳисси янада жўш уришига хизмат қиласи, – дейди катта лейтенант Ҳумоюнмирзо Дўсматов.

Абдулла ЎКТАМҶУЛОВ



Муаллиф сурʼатга оған

«КИМ ВАТАНГА СОДИҚ БЎЛСА, МЕНДУРМАН ЎША!»



«КИМ ВАТАНГА СОДИҚ БЎЛСА, МЕНДУРМАН ЎША!»

ХАЛҚАРО ҲАРБИЙ ҲАМКОРЛИК

МАШҚЛАРДА НАМУНА КҮРСАТГАН ЎФЛОНЛАР



“Мамлакатимиз минтақадаги тинчликни сақлаш, халқаро терроризмга қарши кураш олиб бориш борасида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида турли йўналишда ҳамкорлик ишларини амалга ошироқда. Термиз полигонида Россия Федерацияси ҳарбийлари билан ҳамкорликда ўтказилган «Сурхон-2020» маҳсус-тактиқ ўкув машғулоти шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ҳамкорлигидаги маҳсус-тактиқ ўкув машғулотига тайёргарлик жараёнининг очилиш маросимида икки мамлакат ҳарбийлари майдонга саф торди. Давлат байроқлари кўтарилди. Жануби-ғарбий маҳсус ҳарбий округ кўмандони полковник Зайнобиддин Иминов меҳмонларни Сурхон заминида кўриб турганлигини мамнуният билан таъкидлади. Округ кўмандони кўхна ва тарихий шаҳарда ўтказиладиган ўкув машғулоти давлатларимиз ўртаси-



даги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлашига ишонч билдириди. Россия делегацияси вакили подполковник Александр Колянов ҳам сўзга чиқиб, дўстона қабул учун Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига, тадбир ташкилотчиларига миннатдорчиллик изҳор қилди. Шундан сўнг икки давлат ҳарбийлари оркестр садолари остида шахдам қадам ташлаган ҳолда тантанали маршдан ўтишди. Россиялик меҳмонлар полигон ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмда юртимиз посбонлари учун яратилган шарт-шароитлар, ўкув синфлари, кутубхона билан яқиндан танишдилар.

Россия ҳарбийлари бир неча кун давомида «Термиз» дала-ўкув майдонида ташкил этилган ўкув жойларида тактиқ машғулотнинг асосий босқичида амалга ошириладиган ҳаракатлар бўйича тайёргарлик машқларини бажардилар. Ушбу машқларни бажариш чоғида уларга ўзбекистонлик ҳарбий хизматчилар ва йўриқчиларнинг тажрибаси қўл келди. Илгари ҳам юртимизда ўтказилган шундай ўкув машғулотида қатнашган подполковник Александр Колянов россиялик ҳарбийлар 26 та тўсиқдан иборат ўта мураккаб йўлакдан ўтиш ва шартли террорчилар жойлашган аҳоли яшаш пунктини тозалаш операциясида биринчи марта қатнашаётганлигини таъкидлади. Меҳмонлар дала-ўкув майдонидаги ўта мураккаб йўлакдан ўтиш машқлари ҳар қандай ҳарбий хизматчининг нафакат жанговар тайёргарлигини, балки чидамлилигини оширишда





мухим аҳамият касб этишига машғулотлар давомида гувоҳ бўлдилар. Чунки бир неча километр масофа оралиғидаги тўсиқларни босиб ўтиш жараёнида ҳарбий хизматчилар бокс рингида аввал битта, кейин иккита кучли рақибнинг зарбаларига чидаб бериши, ўзига бириқтирилган топшириқни пичоқ ва белқуракни мўжжалга аниқ отиш билан яқунлаши шарт...

Ўзбекистон ва Россия ҳарбий хизматчилари, шунингдек, шаҳар шароитида биноларни эгаллаб олган ноконуний қуролланган гурӯҳлардан тозалаш операцияси бўйича ҳам тайёргарлик машқларини бажардилар. Ҳар кунлик машғулотлардан сўнг ташкилотчилар томонидан меҳмонлар учун маданий тадбирлар ва Термиз шаҳрида жойлашган музейлар бўйлаб саёҳат ўюстирилди. Шаҳар маданият сароидида ташкиллаштирилган концерт дастури, Сурхондарё вилояти археология ҳамда тарих ва маданият музейлари уларда унтуимас таассуротлар қолдирди.

Ўтказилган бир неча кунлик тайёргарлик машқларидан сўнг «Сурхон-2020» маҳсус-тактик ўқув машғулотининг асосий босқичига ўтилди. Бир вазиятнинг ўзида бир неча ўқув жойларида бошланган харакатларни Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг биринчи ўринbosари – Қуролли Кучлар Бош штаби бошлиги генерал-майор Павел Эргашев ва Россия Федерацияси Марказий ҳарбий округи ќүшинлари ќўмондони генерал-полковник Александр Лапин кузатиб борди.

Маҳсус-тактик ўқув машғулотига жалб этилган ҳарбий хизматчилар томонидан Сурхондарё вилояти Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар бошқармалари ҳамда ДХХ Чегара ќүшинлари ҳамкорлигида белгиланган топшириқлар муваффақиятли тарзда бажарилди. Ўқув машғулоти якуннида топшириқларни бажарышда фаоллик кўрсатган ҳарбий хизматчилар икки давлат Мудофаа вазирлигининг медаллари, эсдалик совғалари ҳамда дипломлар билан тақдирландилар.

«Сурхон-2020» маҳсус-тактик ўқув машғулоти Ўзбекистон ва Россия давлатлари ўртасидаги икки томонлама дўстона ҳамда ўзаро ҳарбий ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш йўлидаги навбатдаги қадам вазифасини бажарди.



ЖАСОРАТ ТИМСОЛИ

ХОРИЖЛИК МУТАХАССИСНИНГ ЮҚСАК ЭЪТИРОФИ

“ Россия Федерацияси Марказий ҳарбий округ ќўшинлари ќўмондони генерал-полковник Александр Лапин бошчилигидаги ҳарбий делегация амалий ташриф билан юртимизда меҳмон бўлди.

Ҳарбий делегация Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг биринчи ўринbosари – Қуролли Кучлар Бош штаби бошлиги генерал-майор Павел Эргашев қабулида бўлди. Учрашув давомида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги дўстона муносабатлар ҳамда мудофаа борасидаги ҳамкорлик, уни ривожлантириш истиқболлари, ҳарбий таълим ўйналишида ўзаро тажриба алмашиб масалалари мухокама қилинди. Қабул чоғида генерал-полковник Александр Лапин Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалаба бутун дунёда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам кенг миқёсда нишонланганлигига алоҳида тўхталди. Ўзбек халқининг жанг майдонларидағи қаҳрамонлклари, фронт ортидаги фидокорона меҳнати ва эвакуация қилинган аҳолига кўрсатган



бағрикенглиги ғалабага бекиёс ҳисса ќўшганлигини айтib ўтди.

Мудофаа вазирлигидаги қабулдан сўнг меҳмонлар Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти фаолияти, таълим масканидаги яратилган кенг кўламли шароитлар билан яқиндан танишдилар. Миллий армиямизни янада такомиллаштириш борасида барпо қилинган, шу билан қисқа вақт ичida улкан ютуқларга эришган институт делегация вакилларида илиқ таассурот қолдирди.

– Бугунги кун армиясини алоқа воситаларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти замонавий меъморчилик услубида бунёд этилиб, энг сўнгги технологик жиҳозлар билан жиҳозланганлиги, ушбу соҳада малакали офицерларни



тайёрлаш масаласига оқилона ёндашилганлиги мени ҳайратлантириди, – дея таъкидлари Россия Федерацияси Марказий ҳарбий округ ќўшинлари ќўмондони ўринbosари генерал-майор Геннадий Тучин.

Ҳарбий делегация аъзолари, шунингдек, пойтактимиздаги «Ғалаба боғи» мажмуаси ва «Шон-шараф» музейида бўлиб, ўзбек халқининг Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабага ќўшган бекиёс ҳиссаси, матонати, фидойилиги ва юқсак инсоний туйғуларини ўзида акс эттирувчи экспонатлар билан танишди. Шундан сўнг генерал-полковник Александр Лапин бошчилигидаги ҳарбий делегация Сурхондарё вилоятида бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ҳарбийлари ҳамкорлигига ўтказилган «Сурхон-2020» маҳсус-тактик ўқув машғулотини кузатди.



САНА

“ Ҳарбий қисм ва муассасаларда соғлом маънавий-ахлоқий мухитни таъминлашга қаратилган миллий қадрият ва азалий анъаналарни изчил давом эттириш мақсадида ҳар йили Мудофаа вазирлиги миқёсида Тарбиявий ва мафкуравий ишлар ҳамда кадрлар билан ишлаш органлари мутахассислари куни кенг нишонлаб келинмоқда.



Сана муносабати билан ўз хизмат мажбуриятарига сидқидилдан ёндашган, ҳамкаслари ҳамда ўз сафдошларига намуна бўлган бир гурӯх соҳа мутахассисларини рағбатлантириш мақсадида Қуролли Кучлар академиясида тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбир барча ҳарбий округлар билан видеоконференц-алоқа орқали тўғридан-тўғри ташкил этилди.

Унда мудофаа вазирининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари полковник

Ҳамдам Қаршиев иштирокчиларни касб байрами билан самимий табриклиди.

Шунингдек, маросимда сўзга чиққанлар бугунги кунда миллий армиямиз сафларини юқори профессионал тайёргарлик, барқарор ахлоқий-руҳий сифатларга эга, ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол, ҳар қандай шароитларда ҳам ўз олдига кўйилган вазифаларни бажаришга шай бўлган фидойи ва садоқатли ҳарбий хизматчилик билан тўлдиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Тантанали тадбирда тарбиявий ва мафкуравий ишлар йўналишида ўтказилган танлов ва мусобақаларда ўз маҳоратини яққол намоён этиб, илфорлар ичра энг сара эканини исботлаган бир гурӯх ҳарбий хизматчилик диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

– Халқимиз, айниқса, ёшлар онгида ватанпарварлик туйғусини юксалтириш, энг мухими, юрт тақдирли, эртанги кунга даҳлдор Ватан ҳимоячиларини тайёрлаш долзарб вазифалардан бириди, – дейди «Энг илғор батальон командирининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари» танлови ғолиби майор Музаффар Ашурматов. – Ушбу вазифани муваффақиятли амалга ошириш, Қуролли Кучларимиз нуғузини янада ошириш, халқ ва армия яқдиллигини таъминлаш борасидаги хайрли ишларда албатта, тарбиявий



ва мафкуравий ишлар органи мутахассисларининг фидокорона хизмати алоҳида эътирофга лойик. Бугунги касб байрамимизнинг кўтаринки рӯҳ ва юқори савияда нишонланиши айни йўналишдаги фаолиятимизни янги босқичда ташкил этишга унрайди.

Тадбирнинг бадий қисмида Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли ҳамда эл суйган таникли санъаткорлар томонидан ижро этилган кўй-кўшиқлар йигилганларга кўтаринки кайфият бағишилади.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
«Vatanparvar»

«ВАТАНПАРВАРЛИК ОЙЛИГИ»

“ Барчамизга маълумки, ўтган қисқа давр мобайнинда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари, хусусан, Мудофаа вазирлиги жаннатмакон юртимиз мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини янада мустаҳкамлаш, фуқароларимизнинг ҳаёти ва саломатлигини сақлаш, юртдошларимизда Ватанимиз тақдирли ва келажаги учун даҳлдорлик, масъулият, садоқат ва ватанпарварлик ҳиссини ошириш, ётғояларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш билан боғлиқ долзарб вазифаларни бажаришда фаол иштирок этиб келмоқда.

ФАОЛ ИШТИРОК ЭТАЙЛИК!

Хусусан, Мудофаа вазирлиги шахсий таркибининг амалий саъӣ-харакатларини мамлакатимизнинг айrim ҳудудларида рўй берган табиий оғатларни бартараф этиш жараённида мухандислик, қидирив-қутқарув ва бошқа шошилинч ишларни бажариш, зарар кўрган одамларнинг ҳаёт фоалиятини биринчи навбатда таъминлаш, мухим объект ва тизимларнинг ишчанлигини тезкорлик билан тиклаш, авария-тиклаш, қурилиш-таъмирилаш ишларини олиб бориш, зарар кўрган аҳолига психологик ёрдам кўрсатишида гувоҳи бўлмоқдамиз.

Ҳарбий хизматчилик мудофаа вазири, унинг ўринбосарлари ва барча поғонадаги командир ва бошлиқлар томонидан билдирилган ишончни ўзларининг садоқатли хизматлари билан оқлаб, мазкур соҳага юқлатилган топшириқларни юқори савияда бажаришмоқда.

Хурматли ҳамкаслар!

Барчамизга маълумки, муҳтарам Юртбошимизнинг тегишли фармойишларига асосан, ҳар йили мамлакатимизда «14 январь – Ватан ҳимоячилари куни» кенг нишонлаб келинади.

Шу боис, барчангизни «Ватанпарварлик ойлиги» доирасида юқори кайфият ва жўшқинлик билан фаол иштирок этишингизни сўраб қоламиз.

Ишонамизки, барча соҳа вакиллари ўзларига юқлатилган шарапли вазифаларига вижданон ёндашиб, юқори раҳбарият томонидан белгиланган топшириқларни юксак савияда бажаришади.

Подполковник Нурбек ОТАҚЎЗИЕВ,
Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари

АЛИЖОНОВЛАР ОИЛАСИ – ФОЛИБ

“ Қуролли Кучлар академиясида Мудофаа вазирлиги қўшинлари миқёсидаги «Энг яхши китобхон ҳарбий оила» кўрик-танловининг якуний босқичи ўтказилди.

Пандемия шароитидан келиб чиқиб, видеоконференц-алоқа шаклида ўтказилган танловда барча ҳарбий округлар, Ҳаво хужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари ҳамда Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинларидан жами 7 та оила учта шарт асосида беллашди.

Дастлабки шартда жамоалар 3 дақиқалик вақт давомида ўзларини бадий-музықий, шеърий тарзда таниширидилар. «Биз китобхон оиласиз» шартида танлов иштирокчилари севган адилларининг ижодидан шеър, монолог ёки фазаллардан намуналар ижроси акс этган видеоролик намойиш этиди.

«Бадий ва маънавий саводхонлик беллашви» деб номланган охирги шартда ўзбек ва жаҳон адабиёти ривожига ҳисса кўшган буюк адиллар асарларининг мазмун-моҳияти, фояси бўйича тайёрланган билет саволлари жавоб қайтарилди. Барча ҳарбий оилалар Захириддин Муҳаммад Бобур, Абдула Қодирий, Чўлпон, Faafur Fułom, Oýbek, Odil Ekübov, Chingiz Aytmatov, Iwan Turgenev, Ernest Xeminguay, Daniél Defo каби улуғ ижодкорлар асарларининг билимдони эканини исботлади.

Китобхон оилаларнинг чиқишилари ва жавобларини Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси фундаментал кутубхонаси, Ўзбекистон Ёзувчilar уюшмаси, пойтахтимиздаги «Билим» ахборот-ресурс маркази, «Ёшлиқ» журналидан таклиф этилган ҳакамлар ҳайъати холисона баҳолаб борди.

– Мазкур танлов қадимиий ва бетакрор диёrimиздан етишиб чиққан буюк аллома, адаб ва мутафаккирларимизнинг бой маънавий мероси, умумбашарий цивилизация, маданият, дунёвий илм-фан тараққиётiga улкан ҳисса кўшган аждодларимизнинг ногдир асарлари, ибратли ҳаёти ва ижтимоий



фаолиятини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этишга қаратилган, – дейди Мудофаа вазирлиги хотин-қизлар ва ҳарбий хизматчилик оила аъзолари билан ишлаш бўйича бош мутахассиси Зулфия Мансурова. – Шунингдек, ҳарбий хизматчиликар ва уларнинг оилаларида китоб мутолаасига бўлган иштиёқни ошириш, миллий ва умуминсоний қадриятлар, ижтимоий ҳаёт ҳақидаги тушунча, билим ва дунёқарашини янада кенгайтириш, китобхон ҳарбий оилалар ўртасида соғлом рақобат, жойларда адабий-ижодий мухитни шакллантириш мақсади кўзланган. Танловга пухта тайёргарлик кўриб, унда иштирок этиш истагидаги оилаларнинг тобора ортаётгани айниқса, қуонарлидир.

Яқуний натижаларга кўра, Шимоли-ғарбий ҳарбий округдан капитан Зухриддин Алижонов оиласи 1-ўринни эгаллади. Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округдан кичик сержант Элбек Хўжақулов ҳамда Шарқий ҳарбий округ вакили контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Аброржон Камолов оилалари тўплаган баллар тенг келиб қолгани боис, уларга ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан қўшимча саволлар берилди. Натижада Камоловлар оиласи иккичи, Хўжақуловлар оиласи учинчи ўринга сазовор бўлди.

Маҳфузा МУҲАММАДИЕВА

КЕЛИНГ, КИТОБ ЎҚИЙМИЗ

Шундай асар ёзсангики...

“ Ўткир Ҳошимов севимли ёзувчим (Аллоҳ охиратларини обод қилсин). Биз унинг асарларини ўқиб улғайдик. Суҳбатларини ташналик билан кутар эдик. Айнан шу инсоннинг саъй-ҳаракатлари билан унинг муҳаррирлигидаги «Шарқ юлдузи» журналида илк марта Куръони каримнинг ўзбек тилидаги маъно таржималари босилган эди.

Мен адабиётшунос эмасман, мен адабиётни севаман, китобларни севаман. Ва сизга ҳам кўнглим мулкига айланган асарларни ўқиши тавсия қиласман. Бугун яна севимли адабиимиз, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби Ўткир Ҳошимов асарларидан айримлари хақида бирозгина тўхтalamиз.

Адаб Саид Аҳмад у ҳақда шундай ёзган эди: «Москва матбуоти тарката-ётган туҳмат ва ҳақоратлардан сабр косаси тошган Ўткир Ҳошимов собиқ компартияning XVIII съездид минбаридан туриб баралла овоз билан уларни фош қилди.

«Ўзбек иши» деган гапни ким ўйлаб топди? Нима учун «арман иши», «молдаван иши» эмас-да, айнан «ўзбек иши»? Ўзбек нима ёмонлик қилди? Кўшиб ёзишлар бошқа жойда йўқми? «Ўзбек иши» туфайли армиядаги қанчадан-қанча йигитларимизга «босмачи», «қўшиб ёзувчи», «порахўр» деб қарашяпти ва очиқдан очиқ ўлдиришяпти. «Ўзбек иши» деган ҳақоратли гапни ўйлаб топганлар ҳали тарих олдида жавоб берадилар».

Қаршисида олтин погонли генераллар, маршаллар шоп-шалоли билан тикилиб турган бир пайтда, уларнинг кўзига қараб туриб, шу гапларни айтиш учун ҳеч енгигб бўлmas ирова, жасорат керак эди. Ўткир бу обрўли шахслар олдида эсанкирамади, чўчимади, ҳалқдардини бор овози билан айти олди».

Ҳа, адабимиз том маънода ҳалқдардини асарларига кўчириди. «Ўзбек иши», «Нега? Нега-а-а?!» ҳикоялари ёк бунинг исботидир. У уруш кўрмаса-да, уруш ҳақида кўп ёзди. Суҳбатларининг бирида бунга шундай изоҳ берган: «-Ҳа, кўп ёзганман. «Урушнинг сўнгги қурбони», «Нега? Нега-а-а?!» деган ҳикояларим, «Икки эшик ораси», «Тушда кечган умрлар» романлари уруш ҳақида. «Дунёнинг ишлари» эса уруш орқасидаги ҳаёт ҳақида.

Мен бу асарларни азбаройи урушни яхши кўрганим учун эмас, ундан нафраланганим учун ёзганман. Урушда голиб подшоҳ, голиб саркарда, голиб армия бўлиши мумкин, лекин ҳеч қачон голиб инсон бўлмайди. Урушда голиб одам ҳам баҳтсиз, мағлуб одам ҳам. Сабаби, уруш одамни ўзига ўхшаган бошқа одамни ўлдиришга мажбур қиласи. Одам ўлдирган инсон эса ҳеч қачон баҳтли бўлмайди».

Азиз ўқувчи, ёзувчи Ўткир Ҳошимовнинг нафакат асарлари, балки суҳбатларини ҳам топиб ўқишинингизни маслаҳат бераман. Уларда сиз адабни янада яхшироқ биласиз, яқиннингиз каби меҳрингиз ортади унга. Адаб ҳақида таникли инсонларнинг гўзал ва самимий хотиралари бор. У ҳаётлик чоғлари-

да ҳам кўпларнинг эҳтироми, эътирофига сазовор бўлган.

Бугун эътиборингизни 1989 йилда ёзилган унинг биргина ҳикоясига қаратаман. Бу адабнинг «Нега? Нега-а-а?!» ҳикоясидир. Ростини айтсан, ҳикоя номи мени унчалик ўзига тортмаган. Мен ёш эдим. Севги-муҳабbat мавзусидаги асарларни ўқигим келарди. Номланиши ҳам севгидан йирокроқми-еъ. Ўткир Ҳошимовнинг ҳикояси бўлганлиги учун ўқий бошладим...

Ҳа, унда севги йўқ эди. Аммо буюк Мехр, Муҳаббат, инсон қалбини тилка-пора қилиб юборадиган адоқсиз қайғу бор эди. Адабнинг китобларини қўлимга олсан, шу ҳикояни қайта ўқимасликка интиламан, аммо ихтиёrsиз яна вараклай бошлайман.

Ҳикоя қаҳрамони Ҳамидулланинг ўғли ҳам ўша ўт ичиди хизмат қиласи. Жуда кўп тенг-тўшлари қатори яқинларига хат ёзганида Афғонистонданда хизмат қилаётганини билдиримайди. Ота «Боши тошдан бўлсин ишқилиб. Кўпи кетиб, ози қолди», деган хаёллар билан унинг йўлига интиқ.

Ўқиймиз: «Троллейбус тикилинч эмас. Ҳар куни битта ўйлдан юраверганингдан кейин ўрганиб кетаркансан. Саккиз ўйлдан бери шу (Қамоқдан қайтганидан бўён). Қорақамиш «икки-бир»дан (топганномини қаранг: «икки-бир»миш, ўлсин агар, одамнинг тили келишса) секин йўлга тушади».

Ҳамидулла нега қамалганини билишни истайсизми? Кунларнинг бирида... Йўқ-йўқ, яхшиси, ҳикояни ўқиб билиб олганингиз тузук. Бундай тафсилот тарғибот саҳифамизга ярашмайди.

Яна ўқиймиз: «Сурхондарё томонда «ахлоқини тузатишди». Темир йўл яқинида. Қора пахталик кийган аристонлар... Кечалари оғир гўнгиллаган самолётлар, муттасил тарақа-турӯр қилиб ўтадиган юк поездлари... Аввалига ярми очиқ вагонларга ортилган юкларнинг усти брезент билан ўраб қўйилгани учун ҳеч бало кўринмасди. Кейин брезент қопламасиз ташийдиган бўлишиди. Танклар, замбараклар, БТРлар. Колонияда сиёсий аҳборот бўлди. Империализм малайлари Афғонистон Демократик Республикасидаги Савр инқилобини бўғиб ташламоқчи бўпти. Шонли совет жангчилари ўзининг интернационал бурчини шараф билан бажаришга киришибди.

...Ўшанда Ҳамидулла ҳеч нимани ўйламади. Ўйлаб нима қиласи? Қаранг, бир нарса етти ухлаб тушига кирмабди. Ой ўтади, ийл ўтади, пайт келиб сенинг ўғлинг ҳам Афғонистонга боради, интернационал бурчини бажаради...

Ҳа, зўкко ўқувчимиз сўз нима ҳақида эканлигини англади. Уша давр фожиалари ҳақида кўп ёзилган. Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева бир шеърида шундай деб эди:



«Хиндикушдан олов келди, жола келди,

У келмади, кўкка ўрлаб нола келди».

Катта авлод бу «кўкка ўрлаган нолаларга» гувоҳ бўлган. Майиб-мажруҳ қайтганлар бор, айримлари аллақачон оламдан ўтган.

Ҳикоя қаҳрамони Ҳамидулланинг ўғли ҳам ўша ўт ичиди хизмат қиласи. Жуда кўп тенг-тўшлари қатори яқинларига хат ёзганида Афғонистонданда хизмат қилаётганини билдиримайди. Ота «Боши тошдан бўлсин ишқилиб. Кўпи кетиб, ози қолди», деган хаёллар билан унинг йўлига интиқ.

Ўқиймиз:

«Мана, икки йилки, «Термиз»дан хат келади. Хотини хурсанд. Телевизорда Афғонистонни кўрсатса, тавалло қиласи:

«Адажониси, пешонамиз ярақлаган экан, яхшиям Раҳматиллангиз Термизда хизмат қиласи... Телевизорни шартта ўчириб қўйсанг, хотининг, қизларингни кўнглига гап келса... Кўраверай десанг... Хайрият, уч кун аввал хат келди. «...Хизматлар осон. Опа! Мендан хавотир олманг. Декабрнинг ўрталарида ўйга бораман».

Ҳа, ана шундай хат келганди. Уни интиқ кутаётган эдилар. Келган заҳоти тўй қилишмоқчи эди. У келди, айтган вақтидан бироз олдинроқ келди...

Ўқиймиз: «Баракка ўхшаш узун палати... Икки қатор темир каравотлар. Тўшаклар... Оқ чойшаблар... Кулранг адёллар. Бир-бирига ўхшаш қиёфалар... Ҳаммаси ёш, ҳаммаси рангпар... Дори иси... «Банниса» иси... Пастак деразадан тушаётган хира нур...

- Ана! Секин... Илтимос, шовқин солма...

- Ада!

Наҳот! Наҳот шу ўғли бўлса! Аэропортда хайрлашаштагида «мендан хавотир олманлар», деган, аввало онасини, кейин уни қучоқлаган, қучоқлаганида белини қисирлатиб юборган... Қани, қани ўша ўғли? Ўн яшарлигида «онангни эҳтиёт қил», деганида йиғламай ерга қараб турган, хизматга кетиш олдида девдек йигит бўлиб етилган... Тамом бўпти-ку! Ранги докадек оппоқ... Соқол-мўйлови ўсган...

- Ўғлим, жон болам!

Раҳматилла адёл тагидан қўлини чиқариб, унинг бошини силади.

Тўсатдан тушган гам ёш болани бир кунда катта одамга айлантириб қўяр экан!..

Ўткир Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» асаридан,

аскар боласининг совуқ дийдорини ҳам кўрмай ерга қўйганлар бўлди.

Яна ўқиймиз: «У жинни бўлиб қолганга ўхшарди (Балки чиндан ҳам эсдан оғандир). Шитоб билан адёлни юлқиб четга улоқтириди.

- Тур, болам! Тур ўрнингдан! Кетамиз! Уйга кетамиз!

Шунда... Шунда, тўшакнинг ярми бўш экканини пайқади. Ўғлининг иккала оёғи йўқ эди. Тиззадан эмас, ундан ҳам юқорироқдан. Кўкрагидан бўёғи дока билан ўраб ташланган. Ҳар жой-ҳар жойда қизгиштоб доғлар. Қотиб қолган қон доғлари».

Етар... Ортиқ бу ҳикоя ҳақида сўз айтишга бардошим етмайди. Ўзингиз ўқиб кўринг.

Севимли адабимиз Ўткир Ҳошимов шундай ёзган эди: «Шундай асар ёзсангики, китобхон уни ўқиганида ҳамма нарсани унутса. Асар қаҳрамонлари ҳаёти билан яшаса. Қувонса, изтироб чекса... Китобни ўқиб бўлган куни кечаси билан ухломай, тўлғаниб чиқса... Вақти келиб, ўша китобни яна қўлига олганида қайтадан ҳаяжонга тушса... Ундан янги маънолар топса... Орзум – шу...»

Мен эса бир ўқувчи сифатида ҳар доим унинг китобларини мутолаа қиласи эканман, қувонаман, изтироб чекаман, ҳаяжонланаман, янги маънолар топаман.



Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Vatanparvar»

ҮҚУВ-УСЛУБИЙ ЙИГИН

Жанговар-хизмат фаолияти таҳлил қилинди



Мудофаа вазирлиги Тоифаланган обьектларни қўриқлаш қўшинлари кўмондонлиги бўйсунувидаги ҳарбий қисмлар командирларининг үқув-услубий йигини бўлиб ўтди.



Уч кун давом этган мазкур йигинда 2020 йил давомида ҳарбий қисмларда олиб борилган жанговар-хизмат фаолияти таҳлил қилиниб, келгусида бажарилиши зарур бўлган устувор вазифалар белгилаб олинди.

Ўқув-услубий йигин давомида иштирокчиларнинг саф тайёргарлиги, ўқотар қуролларини нотўлиқ қисмларга ажратиш ва йигиш, жисмоний тайёргарлик меъёrlарини бажара олиш, шунингдек, мерганлик маҳоратлари бўйича амалий тайёргарлик даражалари синовдан ўtkазилди. Иштирокчилар ўзларининг бор имкониятларини ишга солиб, жанговар маҳоратларини тўла намойиш этдилар.

– Ўқув-услубий йигин давомида ҳарбий қисмларда йил давомида жанговар, маъна-

вий-маърифий ва моддий-техник таъминот йўналишларида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботлар тингланиб, эришилган натижалар, ютуқ ва муваффақиятлар эътироф этилди. Шу билан бирга, эътибор қаратилиши лозим бўлган айrim йўналишлар фаолияти танқидий таҳлил қилинди. Йигин мобайнида шахсий таркиб билан ишлаш борасидаги билим ва кўнкиммамиз янада ошди, – дейди подполковник Валижон Сатторов.

Йил давомида эълон қилинган йигирмадан ортиқ танлов ва номинацияларда фаол иштирок этиб, голибликни қўлга киритган ҳарбий хизматчилар йўналишлар бўйича қўшинлар кўмондони буйруғи билан рафбатлантирилди. Таъкидлаш жоизки, қўмондонлик томони-

дан бўйсунувчи ҳарбий қисмларнинг моддий-техник таъминотини такомиллаштириш борасида ҳам қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўқув-услубий йигин давомида ҳарбий қисмларга янги техникалар тантанали равишда топширилди.

Йигин давомида иштирокчиларнинг маънавий оламини бойитиш мақсадида, улар учун маданий ҳордик тадбирлари ҳам ташкил этилиб, «Ғалаба боғи», «Шон-шараф» музейи ва «Шаҳидлар хотираси хиёбони»га экскурсия ўюстирилди.

**Капитан Фарида БОБОЖОНОВА,
Тоифаланган обьектларни қўриқлаш
қўшинлари кўмондонлиги
матбуот хизмати бошлиғи**



АЖДОДЛАР ЖАСОРАТИ – ЁШЛАРГА ЎРНАК

«КИШИ ҲАРБ ЭТАР ТОКИ...»

Хасан ота ҳаёт бўлганида бу йил 100 ёшни қарши олар эди. Наманган вилоятининг Чуст тумани Варзик қишлоғида туғилган Ҳасан Шаҳобов Иккинчи жаҳон уруши бошланишидан 1 йил аввал ҳарбий хизматга чақирилди. Бир йилдан сўнг оловли уруш майдонига кирди. У ўз юрти, Ватанини фашизм балосидан қутқариш учун жангтоҳларда тобланди. 1945 йилда эса урушдан қайтиб келди.

Айни кучга тўлган норгул ўғлон ҳарбий хизматни Тамбов (Россия) обласи Моршанска шаҳрида 488-корпусли артиллерия полкида бошлаган эди. Даҳшатли уруш эълон қилинганидан сўнг 29-армиянинг 644-корпусли артиллерия полкида хизмат қилди. Бу полк Клин ва пойтахт Москвани мудофаа қиласи эди. Бу даврда тиришқоқ аскар Тамбов шаҳри яқинидаги ҳарбий командирлар курсида ўқиди ва сержант унвонини олди. Бошланган уруш эса йигитни чинакам ҳарбий сифатида икки карра синовдан ўтказди. Фронтнинг олдинги сафларида жанг олиб борган Ҳ. Шаҳобов Берлингача бўлган машаққатли йўлни босиб ўтди. Жангда кўрсатган маҳорати ва билимлари боис кичик лейтенант унвонига сазовор бўлди.

1943 йилнинг май ойида уни 15-артиллерия бригадасининг 685-енгил артиллерия полкида комсорг этиб тайинлашди ва у ғарбий фронт бўйлаб урушда қатнашди. Ўша йили 1-Украина фронтига ўтказилган ушбу дивизиянинг вазифаси Житомир шаҳрини душманлардан озод этиш эди. Шу сабабли

унга «Учинчи Житомир артиллерия дивизияси» деб ном берилди. Белгиланган вазифа муваффақиятли адо этилгач, қирғинбарот олишувларда жасорат, мардлик кўрсатганлар қаторида қаҳрамонимиз ҳам «Қизил Юлдуз» ордени билан мукофотланди.

1944 йилнинг май ойида совет жангчилари Польша чегараси бўйлаб урушни давом эттириди. Улар Перемишль, Жешув, Тарнув ва Вроцлав каби шаҳарлар, умуман, Польшанинг барча ҳудудини душмандан озод этди. Бу жанг майдонидаги қаҳрамонлиги туфайли Ҳасанга 1944 йилнинг ноябрь ойида иккинчи маротаба «Қизил Юлдуз» ордени ва катта лейтенант унвони берилди. 1945 йилнинг январь ойида жангчиларимиз Германия чегараси бўйлаб урушди. Ниҳоят, уруш Германиянинг ўзида ҳам давом этди. Душман ҳар бир қарич ер учун тинмай ўқ узар, аммо собиқ Иттифоқ ўғлонлари ҳам бўш келмай, мудофаани ёриб ўтар эди. Шу тариқа дастлаб Германиянинг Опел, Олоц, Дрездан шаҳарлари эгалланди. Шунинг баробарида душманнинг йўлини тўсиб, уларнинг хужум ўтказмаслигига самарали чоралар кўрилар эди.

Шиддатли жангда батарея командири катта лейтенант Белов қаттиқ яраланди ва бу муҳим вазифа Шаҳобовга топширилди. У мазкур топшириқнинг уддасидан чиқиш учун бор куч-ғайратини сарфлади. Фанинга тинмай ўқ узилди, бирорта душман танки ўтишига йўл кўйилмади. Душман чекинишга мажбур бўлди. Уруш вақтида икки марта яраланиб, даволанди. Мардлиги, намунали ва фидокорона саъй-ҳаракатлари учун Ҳасан Шаҳобов І дараражали «Улуғ Ватан уруши» ордени билан тақдирланди.

Уруш тугади, катта лейтенант Шаҳобов она юртига қайтиди ва ҳарбий хизматни ҳарбий округда давом эттириди. Унинг намунали хизматлари эътироф этилиб, «Ленин» ордени билан мукофотланди.

Урушдан сўнг Наманган педагогика институти (ҳозирги Наманган давлат университети) Тарих факультетини битириб, педагог сифатида ёшларга сабоқ берди. Қатор масъул ла-



возимларда узоқ йиллар ҳалол меҳнат қилди. Турмуш ўртоги билан ўн нафар фарзанди вояга етказиб, эл корига ярайдиган инсонлар этиб тарбиялади, тўғрисўз ва интиувчанлиги билан жамиятда обрў-эътибор топди. 75 ёшида вафот этган Ҳасанбой Шаҳобовнинг ҳаёт йўли ва фаoliyati кўпларга ибрат. У баҳти ҳалол меҳнатда деб билди. Фарзандларини ҳам ана шундай фазилатлар билан улғайтириди.

– Биз ҳар байрамни қувонч ва ҳаяжон билан бир дастурхон атрофига йиғилиб нишонлар эдик, – дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Ҳасан бобонинг қизи Муаззам Шаҳобова. – Айниқса, 9 май арафасида дадамнинг орден ва медаллар тақилган костюмию оқ кўйлагини тайёрлаш тараддуди бир ҳафта олдин бошланар эди. Уларнинг суратлари ва ҳужжатлари солинган папкани қўлга олсан, гоҳ кулиб, гоҳ қайғуриб ёдга оламиз. Дадамдан мана шу суратлар, жасорат рамзи бўлган орден ва медаллар билан бир қаторда жўяли насиҳатлар, ёрқин хотиралар ёдгорлик бўлиб қолди.

Бухоро гарнizonидаги сафарбарлик чақириви резерви батальони взвод командири катта лейтенант Шерзод Шаҳобов Ҳасанбой отанинг невараларидан бири. Қай манзил, қайси жамоада бўлмасин, бошқа жигаргўшлари каби у ҳам бобоси билан ҳақли равища фахрланади. Ўз юртига садоқат билан хизмат қилиш унинг кўнглидаги олий муддаога айланган. Ушбу шарафли мақсад бобосидан ўтган бўлса, ажаб эмас. Зотан, буюк мутафаккир Алишер Навоий ёзганидек, «Аёнким, Ватан узра то жони бор, Киши ҳарб этар токи имкони бор».

Бугун қаҳрамонимизнинг 100 нафардан зиёд невара ва чеваралари турли соҳаларда меҳнат қилмоқда. Кўплаб неваралари ҳарбий хизматчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда фаолият юритмоқда. Унинг шижоати, қаҳрамонлиги бугун шогирдлари, фарзанду набиралари қалбида абадий сақланмоқда. Зотан, йиллар ўтса ҳам ота-боболаримизнинг мардлиги ва жасорати авлоддан авлодга ўтиб, тилларда достон бўлади. Зеро, инсониятни фашизм зулмидан халос этган қаҳрамонлар номи ва жасорати абадийdir.

Дилшод Рўзиқулов,
«Vatanparvar»



ҲАЁТНИНГ ЎЗИ ТАҚДИМ ЭТАДИГАН ЭНГ ЯХШИ СОВРИН –
БУНГА АРЗИЙДИГАН ИШДА ҚАТТИҚ МЕҲНАТ ҚИЛИШ ИМКОНИЯТИДИР. Георг Рузвельт

ХУҚУҚ

“ Ҳарбий прокуратура органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшларга доир бешта муҳим ташабуси ижроси доирасида ёш авлодни ватанпарварлик ва бурчга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг хуқуқий маданиятини, китобхонликка, адабиёт, санъатга муҳаббатини юксалтириш, бандлигини таъминлаш борасидаги амалий тадбирлар давом эттирилмоқда.

ЭРТАМИЗ ЗГАЛАРИ БИЛАН МУЛОҚОТ



Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори генерал-майор Шухрат Узаков ташабуси билан бугун Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳрида ёшлар иштирокида навбатдаги очиқ мулоқот тарзида учрашув, оммавий қабул ва бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

Олмалиқ кон-металлургия комбинати маданият саройида сектор раҳбарлари, мудофаа ишлари бўлими, Ёшлар ишлари агентлиги, Бандликка кўмаклашиш маркази, банк муассасалари, қатор ташкилотлар ва жамоатчилик вакиллари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда асосан марказдан олисда яшовчи банд бўлмаган 200 нафарга яқин ёшлар иштирок этди.

Тадбирда Ш. Узаков ёшларимизга давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилётган юксак эътибор ва ғамхўрлик, уларнинг ўз қобилияти ва салоҳиятини намоён қилишлари учун яратилган шароит ҳамда имкониятлар кўламини ёшлар хуқуқлари ва қонуний манфаатлари амалий кафолатининг ҳаётий ифодасидаги аниқ мисоллар билан атрофлича тушунтириб ўтди.

Учрашувда ёшларнинг муаммолари, таклиф-мулоҳазалари тингланди ва жами қабул қилинган 47 та, жумладан, банк-кредит йўналишида 10 та, ҳарбий соҳа бўйича 3 та, ишга кириш масаласида 16 та, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш юзасидан 7 та ва бошқа масалаларда 11 мурожаатнинг ижобий ҳал қилиш масаласи қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун назоратга олинган ҳолда масъулларга йўналтирилди.

Ишлар истагидаги ёшлар шу куни меҳнат ярмаркасига жалб этилиб, уларга маълумоти ва мутахассислигига мос келадиган бўш иш ўринлари таклиф этилди.

**Адлия майори Бахтиёр АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий
прокуратурунинг бўлим бошлиғи**



«КИМ ВАТАНГА СОДИҚ БЎЛСА, МЕНДУРМАН ЎША!»

ҚАЛБЛАРНИ ТҮЛҚИНЛАНТИРГАН УЧРАШУВ

“ Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг дунёқарашини янада кенгайтириш мақсадида республикамиз бўйлаб ватанпарварлик руҳидаги учрашув ва тадбирлар бўлиб ўтмоқда.



Алишер Навоий номидаги киносаройда пойтхатимизнинг Шайхонтоҳур тумани ҳоқимлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Ички ишлар вазирлиги ҳамкорлигига кўргазмали тадбир ташкил қилинди.

Ўнлаб ёшларнинг ҳарбий техникалар, қурол-яроғ ва турли алоқа воситалари билан яқиндан танишиб, дўстлашуви ўзгача кечди. Ўзаро мулоқотлар давомида ҳарбий хизматчилар томонидан қурол-аслаҳаларнинг турлари, алоқа воситаларидан фойдаланиш,

ҳарбий техникаларнинг имкониятлари хусусида маълумотлар берил ўтилди.

Тадбирнинг бадиий-кўнгилочар қисми ҳарбий оркестр ва ансамбларнинг куй-қўшиқлари билан янада файз олди. Айниқса, ҳарбий хизматчиларнинг қўл жангчилигидан ёшлар қалбида жанговарлик, юрга мухаббат туйғулари жўш урди.

Ўз мухбиришим



ҚўМОНДОН МЎЙНОҚ ЁШЛАРИ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ



“ Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни байрамини кенг нишонлаш доирасида юртимизда бошланган «Ватанпарварлик ойлиги»нинг илк кунларидан Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлигининг тарғибот гуруҳи томонидан Қорақалпоғистон Республикасининг энг чекка туманларидан бўлган Мўйноқдаги умумтаълим мактаби ўқувчилари билан тадбирлар ўтказилди.

Йилдан йилга ҳалқ ва армияни бирлаштириб келаётган ва ҳақиқий умумхалқ байрамига айланган Ватан ҳимоячилари куни том маънода мардлик ва жасоратни тароннум этувчи, улуғ аждодларимизнинг қаҳрамонликларини ёшларга ибрат қилувчи, маънавиятни тарғиб этувчи айёмга айланган.

Мўйноқ туманинага бир қатор мактабларда «Ким Ватанга содиқ бўлса, мендурман ўша!» шиори остида ўтказилган ватанпарварлик тадбирлари давомида Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони полковник Фарҳоджон Шерматов ёшлар билан учрашиб, уларга Ватанни ҳимоя қилиш ҳақиқий мард ва олижаноб инсонларнинг касби эканини таъкидлаб ўтди. Қўмондон ёшлар билан сұхбати давомида инсоннинг зийнати – унинг юрга, ҳалққа, ўз касбига содиқлигига эканини айтиб ўтди.

Ҳарбий округ қўмондонлиги томонидан ҷақириуга қадар ёшларни тайёрлаш фанининг ўқитилиши сифатини ошириш ва ўқув-моддий базани тақомиллаштириш мақсадида Мўйноқдаги умумтаълим мактабларига ўқув қуроллари ҳамда кўргазмали воситалар совға қилинди.

Ватанпарварликка йўғрилган тадбирларда ёшлар пневматик милтиқдан ўқ отиш бўйича ўзаро баҳслашиб, мерганлик маҳоратларини намойиш этишиб. Голиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан диплом ва совғалар билан тақдирланди.

Нукус гарнizonи ҳарбий оркестри томонидан ташкил этилган байрамона концерт дастурлари, ҳарбий хизматчиларнинг кўргазмали чиқишилари иштирокчиларда олам-олам таассусот қолдири.

Тадбир давомида фаол қатнашган ёшларга ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги номидан бадиий асарлар тухфа этилди.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ матбуот хизмати

БОЛАЖОНЛАР УЧУН УНУТИЛМАС КУН

“ Самарқанд шаҳрида жойлашган 96-мактабгача таълим ташкилотининг «Кичик ватанпарвар» гуруҳида тарбияланаётган болажонлари учун Мудофаа вазирлигига қарашли Қуролли Кучлар Кичик мутахассисларни тайёрлаш марказига саёҳат уюштирилди.

Болажонлар марказда курсантларга яратилган шарт-шароитлар ва амалий машғулотлар ўтказиш жараёнлари билан яқиндан танишдилар. Ўз навбатида 96-мактабгача таълим ташкилотининг тарбиячиси Шарифахон Ашрапова бош-



чилигидаги «Кичик ватанпарвар» гуруҳи томонидан ҳарбий хизматчилар учун саҳна кўринишлари намойиш қилинди.

Тадбир сўнгидаги ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ўз ҳиссасини қўшиб келаётган 96-МТТ раҳбарияти ва тарбиячиларига Марказ бошлиғи ва ўқув жараёнини таъминлаш взводи шахсий таркиби номидан келажагимиз эгалари бўлган болажонларга ташаккурнома ҳамда совғалар тақдим этилди.

Эслатиб ўтиш жоизки, «Кичик ватанпарвар» гуруҳи марказ ҳамкорлигига ташкиллаштирилган бўлиб, болажонлар иштироқидаги бу каби тадбирларни ўтказиш анъанага айланиб бормоқда.

II даражали сержант Яшнаржон АШРАПОВ



“ Мудофаа вазирлиги Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлиги ҳарбий қисмларида ҳам «Ким Ватанга содик бўлса, мендурман ўша!» шиори остидаги «Ватанпарварлик ойлиги» кўтаринки руҳда бошланиб, мамлакатимизнинг чекка-чекка қишлоқларию овулларигача кириб борди.

КЎТАРИНКИ РУҲДА ЎТКАЗИЛДИ

Хусусан, қўмондонликнинг Қорақалпоғистон Республикаси Тахиатош туманида жойлашган ҳарбий қисм томонидан туманинг энг чекка худудидаги 20-умумтаълим мактабида маънавий тадбир ташкил этилди. Унда Тахиатош тумани ҳокимлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази вакиллари ҳамда мактаб маъмурияти иштирок этилди.



«Мард, жасур ва садоқатли ватанпарварларни тарбиялаш – мактабдан бошланади» мавзусида ўтказилган дарсда бугунги кунда миллий армиямиз жонажон юртимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, фуқароларимизнинг тинчлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини сақлаш, эртамиз эгаларини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларида фаол иштирок этиб, юртдошларимиз қалбидан муносаб ўрин эгаллаб келаётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, ўқувчи ёшларга Ватанни севиш, уни кўз қорачиғидек асраш ва ардоқлаш зарурлиги тушунириб берилди. Дарс давомида ҳарбий хизматчилар томонидан қурол-аслаҳалар намойиши ва қўл жанг кўргазмали чиқишлиари ҳам тақдим этилди.

Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлиги матбуот хизмати

«ҲИМОЯ ҚИЛГАЙСИЗ БИРИНЧИ БЎЛИБ»

“ Янги йил қувончлари дилларни тарк этмай туриб яна бир улкан айём нишонланади. Ҳа, тўғри топдингиз. Бу, 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни!

Халқимизда, тўйнинг қизиги бошлангунiga қадар, деган гап бор. Мамлакатимиз Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллик байрамига тайёргарлик тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин. Айни шу кезларда юртимиз бўйлаб қутлуғ айёмага тараффуд бошлаб юборилган. Бундан, албатта, Тошкент давлат юридик университети ихтисослашган филиали ҳам мустасно эмас.

Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Орипов осоиишталик посбонларига атаб ёзган «Қалқон» шеърида шундай мисралар бор:

Кимдир эл тинчини бузса ногаҳон
Ёки қўл кўтарсан қаҳрга тўлиб,
Сиз – озор чекканга энг аввал қалқон,
Ҳимоя қилгайсиз биринчи бўлиб.

Ҳа, бу сўзларнинг хаётий исботига халқимиз гувоҳdir. Узоққа бормайлик, аҳли дунё учун синовга айланган охирлаётган йилда мамлакатимиз учун ҳам мураккаб бир вазиятда Ватан ҳимоячилари бедорлик билан хизматда бўлдилар. Ҳарбий тиббиётчиларимиз халқимиз саломатлиги учун курашнинг энг олдинги сафларида турдилар, осоиишталик ҳимоя-

сида ҳам, техноген фалокат оқибатларини бартараф этишда ҳам улар, яъни тинчлик ва осоиишталик посбонлари биринчилардан бўлди!

Айни кунлар Ватан ҳимоячилари ҳақида кўп ва хўб сўзлар айтиладиган дамлардир. Уларнинг ҳам халқимиз ҳузурида, миллат ёшлари ҳузурида айтар сўзлари бор. Байрам муносабати билан ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирлар айнан ана шу эзгу мақсадни амалга оширишга хизмат қиласди.

Қуролли Кучларимизнинг шонли тарихи кўплаб мардларни кашф қилди. Тошкент давлат юридик университети ихтисослашган филиалида юртнинг ана шундай жасур, довюрак фарзандлари билан учрашувлар, спорт мусобакалари ўтказиш режалаштирилган. Буларнинг барчасида ташаббускорлар ёшлар бўлиб, улар Ватан ҳимоячиларига эҳтиромларини шу тарзда намойиш этишни мақсад қилганлар.

**Агзам МИРЗАЕВ,
ТДЮУ ихтисослашган
филиали ўқитувчиси**

“ Муқаддас қадамжоларимизни қанча кўп зиёрат қилсангиз, Ватанга садоқат ва қўхна тарихга иштиёқингиз шунчалик ортиб бораверади.

Мудофаа вазирлиги Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинларига қарашли Навоий вилоятидаги ҳарбий қисм қўмондонлигига ҳар йили муддатли ҳарбий хизматчиларни тарихий қадамжолар билан яқиндан танишириш анъанага айланган. Яқинда ҳарбий қисмда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган бир гурух аскарлар Нурота ҷашмасига саёҳат қилдилар. Сафар давомида улар узоқ йиллик тарихга эга «Чилустун», «Панжвақти» масжидлари ва македониялик Александр томонидан бунёд этилган қалъа харобалари билан танишириш замирида ана шу мақсад кўзланган.

– Тарихни чуқур биладиган, аждодлар меросини авайлаб-асрайдиган фарзандларда ватанпарварлик туйғуси кучли бўлади, – дейди подполковник Исройл Юнусов. – Аскарларни мана шундай қадамжолар билан танишириш замирида ана шу мақсад кўзланган.

**Камолиддин РЎЗИМАТОВ,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий
коммуникациялар университети ҳарбий
журналистика йўналиши 1-босқич талабаси**

ТАРИХ

ИСЛОМ ХАРИТАШУНОСЛИГИДА ДУНЁ ТОМОНЛАРИ

Дунё жўғрофияси ва хариташунослиги тарихи ҳақида гап кетганда, улуғ аждодларимиз ал-Хоразмий, ал-Беруний, Маҳмуд Кошғарий, Ҳофизи Абру каби буюк алломаларимизнинг номлари алоҳида тилга олинади. Негаки, улар ер юзаси ва осмон жисмларини ўрганиш илмида ўзларигача бўлган маълумотларни қиёсий ҳам таҳлилий ўрганиб, уни ривожлантирилар. Хоразмий Шарқда биринчи бўлиб Птолемейнинг «География» асарини танқидий ўрганди, янги маълумотлар билан бойитди ва Шарқ географлари тўплаган маълумотларга таянган ҳолда янги «Жаҳон хариталари»ни яратди. Ушбу хариталар изоҳини у «Сурат ал арз» асарида баён этган. Беруний Шарқда биринчи бўлиб глобус яратган (1616) ва мустақил тарзда меридиан айланаси узунлигини ҳисоблаб чиқкан.

Қуйида Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти олимининг хариташунослик тарихига оид мақоласи берилмоқда. Кўпчиликка номаълум бўлган маълумотларни ўзида жамлаган бу материал қўшиналаримизда хизмат қилаётган ҳарбий топографларни бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

Бугунги кунда сунъий йўлдош навигаторлари, интернет хариталар инсоният ҳаётининг кундалиқ эҳтиёжларини қондиришда беминнат хизмат қилмоқда. Бундай техник имкониятлар ўз-ўзидан пайдо бўлмаган. Бунинг асосини инсоннинг дунёни билиш, уни яхлит тасаввур қилиш истаги ва эҳтиёжи ташкил қилган, албатта. Ана шу эҳтиёжнинг ҳосиласи ва муҳим қашфиётлардан бири харитадир.

Географияда уфқ (горизонт) томонлари асосан тўртта бўлиб, замонавий хариталарда шимол ва жануб Ернинг кутблари орқали аниқланади. Шарқ ва Фарб эса, Ернинг ўз ўқи атрофида айланганида само ёритқичларининг чиқиши ва ботиши билан белгиланади. Мазкур томонлар замонавий хариталарда шимол юқорида, жануб қўида, шарқ ўнг ва жануб чап томонда акс эттирилади. Маълумки, харитада тарафни акс эттиришда ҳаракатсиз нуқта талаб этилади. Ерда эса ҳамма нарса, ҳатто унинг ўзи ҳам ҳаракатда. Шу сабабдан Қутб юлдузи ўзгармас нуқта бўлгани боис шимол хаританинг юқори томонида акс эттирилган. Шимол хаританинг тела томонида бўлишини Птолемей таклиф этган, дейилади. Лекин ислом хариташунослигида бу масала бошқача бўлгани кузатилади. Умуман олганда, хариташунослиқда томонлар турлича акс эттирилган.

Ислом тамаддунида яратилган ва бизгача сақланиб қолган дунё харитаси энг қадимги қўлёзма Ибн Ҳавқал (Х аср) асарига жойланган бўлса, муаллифларнинг яшаган даврига нисбатан унинг «устози» Истаҳрига тааллуқлидир. Ибн Ҳавқалнинг дунё харитасидаги тўрт томон замонавий хаританинг мутлақо тескариси бўлиб, томонлар ўрни алмашган ҳолда кўрсатилган. Лекин Истаҳри асарининг қўлёзмаларида бир оз чалкашлиқ мавжуд.

	ШИМОЛ	
ФАРБ		ШАРҚ
ЖАНУБ		

Ҳозиргача Истаҳри асарининг 45 та қўлёзмаси мавжудлиги аниқланган. Фойдаланиш имкони бўлган асар қўлёзмалари ва нашрларидаги хариталардан факат еттитасида дунё харитаси сақланган.

	ШИМОЛ	
	ШАРҚ	ЖАНУБ
ШИМОЛ		
		ЖАНУБ
ФАРБ		

Маҳмуд Кошғарий харитасида

	ЖАНУБ	
ШАРҚ		ФАРБ
ШИМОЛ		

Истаҳри харитасида

Ҳозиргача Истаҳри асарининг 45 та қўлёзмаси мавжудлиги аниқланган. Фойдаланиш имкони бўлган асар қўлёзмалари ва нашрларидаги хариталардан факат еттитасида дунё харитаси сақланган. Мазкур хариталардаги баҳсли ҳолат шундаки, асарининг кейинги даврда форс тилига таржимасининг фақатгина Сулаймония фондида 3156 ашё рақами остида сақланаётган қўлёзма харитасида дунё томонлари замонавий харитага мос келади, яъни шимол юқори томонда кўрсатилган. Бундай ўзгариш сабабини аниқлаш учун алоҳида илмий тадқиқот ўтказиш талаб этилади. Муаллиф Истаҳри харитасида жануб томоннинг юқорида акс эттирилиши борасида асар матнида ҳеч қандай ишора топилмади. Унда Макканинг дунё маркази эканигина айтилган. Истаҳри матнида китобдаги биринчи иқлим «Араб диёри» борасида: «Чунки унда Каъба бор, Макка эса шаҳарлар онасидир» дейилган. Шунга мувофиқ, Арабистон ярим ороли хаританинг марказига жойлаштирилган.

Навбатдаги дунё харитаси қомусий олим Берунийга (973 – 1048) тегишилди. Бу хаританинг тела томони жануб, маркази Макка шаҳри. Беруний ўзининг «Китаб ат-тафҳим» асарида дунё харитасини Истаҳрида бўлгани каби жойлаштирган.

Умуман олганда, бу анъана кейинги даврларда ҳам кенг қўлланилган. «Роҷер китоби» номи билан машҳур «Нузҳат ал-муштақ фи ихтирақ ал-афақ» асари муаллифи Идрисий (1100 – 1165) томонидан тайёрланган дунё харитаси ҳам бунга мисол бўла олади.




Идрисийнинг «Дунё харитаси». Харитада Евроосиё ва Африка материклари акс эттирилган. Кўк ранг билан бўялган жойлар денгиз ва уммонни англатади. Харитани ҳалқа сифатида ўраб турган сув эса «Мұхит», яъни ўраб турувчи денгиз маъносида. Ўнг томондан кириб келган денгиз «Рум денгизи» деб аталган Ўрта Ер денгизидир. Чап томондагиси эса, Тинч ва Ҳинд океанлари бўлиб, «Форс денгизи» деб номланган. Мазкур денгизнинг марказига кириб келган жойидан пастга қараб энсиз иккита давом этган бўлгаги бор. Уларнинг чапдан биринчиси Форс кўрфази, иккинчиси Қизил денгиздир. Бу иккисининг орасидаги қуруқлик хаританинг марказига тўғри келиб, у Арабистон яриморолидир. Хаританинг бу ерида икки қизил чизик ўтказилган бўлиб, тепадаги биринчи чизик устида «Тиҳома» ва «ал-Йаман» деб ёзилган. Иккала чизик орасида эса «ал-Ҳижқоз», «ал-Йамама», «Оман» ва «аш-Шихр» қайд этилган.

Тарихий хариталар билан танишиш Қуддус шаҳрининг дунё маркази қилиб, хаританинг тела томонини жануб деб кўрсатиш XV – XVII асрларда яратилган илк рус хариталарида ҳам қўлланилганини кўрсатди. Биргина ўзгача ёндашув Маҳмуд Кошғарийга (1030 – 1127) тегишилди.

Маҳмуд Кошғарий Марказий Осиёда ўрта аср маданиятининг буюк арбобларидан бири бўлган. У ўзининг «Девону луғати-т-турк» асари билан тариҳда учмас из қолдирган. Маҳмуд Кошғарийнинг дунё харитаси ҳам асари каби ягонадир. Унда хаританинг юқори томони шарқقا қаратилган. Харита Ўрта Осиё ва Қашқар халқларининг дунё тўғрисидаги азалдан мавжуд бўлган тарихий ва табиий тушунчалари асосида чизилганини Ҳамидилла Ҳасанов асослаб берган. У шундай ёзади:

«VIII аср, қадим туркий ёдгорликларида «илгару, кун туғсиқ» – кун чиқиш илгари томон, олд томон ҳисобланган ва дунёнинг бошқа томонлари шу асосий томонга нисбатан аталган, «биргару» – ўнг томон (жануб), «қирғару кун ботсиқи» – орқа томон, кун ботиши (фарб) ва «жирғару» –



**МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ
ТАВАЛЛУДИННИНГ 145 ЙИЛЛИГИГА**

ЭНГ МАШҲУР ЎЗБЕК

сўл томон (шимол). Бу томонлар «тўрт бўлунг» – тўрт бурчак деб аталган. «Девон»ни ўқиб, шундай ҳукм чиқардикки, қадимий туркий тилда «юқори» сўзи шарқ томонни, «қўйи» сўзи – фарбни билдирган. Чунончи:

«Чин аслида учтадир:

1. Юқори Чин, буни Тавғоч дейилади.
2. Ўрта Чин, буни Хитой дейилади.
3. Қўйи Чин, бу Қашқардир».

Бу изоҳдаги «юқори» сўзи – мутлақо ер юзасига нисбатан айтилмаган, яъни Юқори Чин – баландлик, тоғлик ер, Қўйи Чин – пастлик ер деган маънода эмас, чунки аслида тескари-ку: Юқори Чин – денгиз бўйида, текислик ер, Қўйи Чин – баландлиқда, тоғлик ерлардир. Демак, китобдаги географик ном ёнида учрайдиган «юқори» сўзи – қўёш чиқадиган, юқорилашадиган томонни, «қўйи» сўзи эса қўёш ботадиган, пасаядиган томонни билдирган».



«Шаҳарлар онаси» бўлган Макка ўрнашган минтақа жанубда, Арабистон яриморолидаги тарихий Яман минтақаси номи луғавий «ўнг томон» маъносини беради, ундан нариси эса денгиз, шу боис хаританинг тепа томони қилиб жануб белгиланган. Бироқ бундай хулоса чиқаришга З ҳолат мос тушмайди.

1. Макка етии иқлим тизимида биноан биринчи эмас, иккинчи иқлимда жойлашган.

2. Истахрий ва бошқаларнинг дунё харитасига кўра, Арабистон яриморолини «Форс денгизи» ўраб турса ҳам, унинг орқа томонини тўлиқ Африка қитъаси қамраб олгани харитада кўрсатилган.

3. Тарихий хариталарга оид тадқиқотлар билан танишиш, халқларнинг ўтмишда ўзи яшайдиган минтақа ва аҳолисининг бошқалардан маданий, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан устун эканини кўрсатиш мақсадида уни «дунё маркази»га жойлаштириш, юқорига қўйиш анъанаси бўлганини кўрсатди. Масалан, евроцентрик қараш.

Юқоридаги таҳлилларни умумлаштирган ҳолда ислом тамаддунида жануб томон хаританинг юқори қисмига жойлаштирилгани сабабини илк яратилган Маъмун дунё харитаси ва ёзма меросда изоҳ топилмагунига қадар аниқ жавоб айтиш қийин. Бундан ташқари, мақола ёзиш асносида тарихий хариталар тадқиқига бағишлиланган ишлар билан танишиш давомида кўплаб очиқланиши зарур масалалар мавжуд экани аён бўлди. Тарихий хариталарда Марказий Осиёning акс эттирилиши масаласи эса деярли қўл урилмаган мавзулардан бўлиб чиқди.



Чап тарафда: Идрисийнинг асл харитаси. Марказдан бир оз юқорида Макка шаҳри кўрсатилган. Европа пастки ўнг томонда чизилган. Осиё эса пастки чап томонда кўрсатилган. Марказдан юқоридаги катта қуруқлик Африка континентини билдиради. Ўнг томондаги харита: бу Идрисий харитасининг замонавий хариталар анъанасига мос равиша 180 даражага ўгирилган кўриниши. Макка марказдан бир оз пастроқда. Европа юқори чап томонда, Осиё юқори ўнг томонда, пастки ярми Африкадир.

Чап тарафда: Идрисийнинг асл харитаси. Марказдан бир оз юқорида Макка шаҳри кўрсатилган. Европа пастки ўнг томонда чизилган. Осиё эса пастки чап томонда кўрсатилган. Марказдан юқоридаги катта қуруқлик Африка континентини билдиради. Ўнг томондаги харита: бу Идрисий харитасининг замонавий хариталар анъанасига мос равиша 180 даражага ўгирилган кўриниши. Макка марказдан бир оз пастроқда. Европа юқори чап томонда, Осиё юқори ўнг томонда, пастки ярми Африкадир.



Мазкур дунё харитасининг бошқа мусулмон шарқида мавжуд бўлган хариталардан асосий фарқи, унда томонлар замонавий хариташунослик анъанасига мос тарзда, яъни шимол юқори томонда кўрсатилганидир.

Равшан ХУДАЙБЕРГАНОВ,
ЎЗР Фанлар академияси
Абу Райхон Беруний номидаги
Шарқшунослик институти
иљмий ходими

Ўн тўққизинчи аср адоғи ва йигирманчи юз йиллик бошига келиб ҳалқимиз зеҳниятида миллий ўзликни англаш истаги кучая бошлади. Дунёнинг илфор мамлакатларида, жумладан, Россияяда юз берган саноат инқилоби, ижтимоий ғалабёнлар, инсон ҳуқуқлари йўлидаги кураш кабилар ўша давр учун мислсиз ходисалар эди. Мана шундай воқеалар таъсирида Туркестонда жадидчилик ҳаракати юзага келди. Ўтмишимизнинг Маҳмудхўжа Беҳбудий сингари даҳоларга бойлиги ҳалқимизнинг ҳаёти эврилиш ва фожиаларга тўлиб тошганлигини англатади. Чунки катта ШАҲС улуғ зиддиятлар, сўнгиз қийноклар маҳсули ҳисобланади.

Бу ҳаракат, унда фаол иштирок этган шахслар тўғрисида биз бугун маълум бир тасаввурларга эгамиз. Шулар ҳақида ўйлаганингда тарихни шахслар яратishi тўғрисидаги фикр нақадар тўғри эканлигига имон келтирасан, киши.

Маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий шахсияти...

Айтмоқчи бўлганларим Беҳбудий томонидан ёзилган асарлар, унинг ҳаёти ва ижодини ўрганган тадқиқотчи олимларнинг хулосалари таъсирида шакланган. Алломанинг «Саёҳат хотиралари» асари бошқаларига қараганда ҳажман катта бўлиши билан биргалиқда, унда муаллиф шахсияти ёрқинроқ қўзга ташланиб туради.

Беҳбудий танланган асарларига ёзилган сўзбошида профессор Бегали Қосимов уни мажозий маънода «Карвонбоши» (!) деб атайди ва шахсиятига тиник таъриф беради. Танланган асарларни мутолаа қилар эканман, аввало ҳар соҳада замонасининг энг юксак рутбаларига эга, қолаверса, ўз ҳисобидан ҳалқнинг болалари учун дарсликлар ёзилб, мактаблар очиб, уларда ўзи муаллимлик қилган бу закий инсоннинг «эл қатори», камбағал яшаганлиги мени ҳайрон қолдирди. Масалан, Беҳбудий «Мехнаткашлар товуши» газетасининг 1918 йил 27 август сонида чиқсан мақоласида ўзини Самарқанд Маориф комиссарлигига тавсия қилишгани, бироқ тириклик ва рўзгор ташвишлари сабаб рад жавоби берганлигини таъкидлайди.

«Саёҳат хотиралари»да муаллифнинг 1914 йили Кавказ ва Туркия орқали Маккага қилган зиёрат сафари таассуротлари тасвиранган. У сафар давомида ўзга ҳалқлар турмушида кўрган - кечирғанларини тасвиirlар экан, уларни биз, ўзбеклар, мусулмонлар ҳаёти билан солиширади. Самарқандда поездга ўтирган Беҳбудий йўловчилар орасида ўзидан бошқа маҳаллий ҳалқ вакили йўқлигига эътибор беради ва ҳалқининг маърифатсиз, ижтимоий фаолиятининг заифлигидан афсусланади. Муаллиф ҳозирги Туркманистон худудидаги Марв шахрини кузата туриб, у ерда маҳаллий аҳолининг йўқлигига эътибор беради ҳамда «Туркманлар ҳануз қора уй – ҷодирларида тириклик қиладурлар ... Аҳоли шариатдан зиёда одатға тобеъ ва асири жаҳолатдур ... Дунёдан, ҳатто, ўзларидан хабарлари йўқ», деб ёзди. Узи мансуб бўлган, ўзи интилган жадидчилик мағкурасининг мақсад - муддаосини яхши ифодалаганлиги учун ҳам Беҳбудийнинг кейинги мулоҳазаларини айнан келтираман: «Ийўл устиндаги туркманларни бошиндаги узунлиги уч яrim қариш, эни икки қаришдан зиёда теллагидан бошқа кўргу ери йўқ, фақат ҳануз белида аксарият ила ҳанжари борадур. Аммо алар ҳанжар ўрнига қалам тутуш замони келганини билмайдурлар. Кўз олдиғаги маданият асари бўлган шаҳар ва оташ арабадан ибрат олмайдурлар». Муаллиф туркман кенгликларида яшаётган қозоқлар тўғрисида ҳам шунга ўхшаш фикрларни билдиради.

Боку мусулмон аҳолининг, улар орасида эса бой ва ўзига тўқ оиласаларнинг кўплиги билан Беҳбудийда яхши таассурот қолдиради. Сайёҳ Россиянинг жанубий ерлари – Ставраполь ва Крим ўлкаларидан ўтар экан, шаҳар ва қишлоқлардаги хотин-қизларнинг ўқиши ва меҳнат билан бандлигига эътибор беради; «...аммо бизнинг саҳро хотунларини гийбат сўзламоқдан бошқа иши йўқ». Туркиядаги ахвол ҳам Беҳбудийни изтиробга солади: «Адрнада савдо ва тијорат бутун яхудий ва насоролар кўлинда бўлиб, алғуз ҳукумат ва ўлмоқ мусулмонларғадур». У Истанбулдалигида тасодифан Исломиље Гаспралини учратиб қолиб, у билан узоқ сухбат қуриш баҳтига эришади. Мавзуя туркестонликларни саводли қилиш масаласида эди. Устоз шогирдига болаларни жадид мактаблари билан бир қаторда ҳукумат очаётган мактабларга ҳам кўпроқ бериш зарурлигини такрор-такрор уқтиради. Афсуски, мазкур сухбат бу икки даҳонинг сўнгги дийдорлашувлари бўлди.

Агар бугунги зиёлиларимиз, олимларимизни Беҳбудий шахсияти билан солиширадиган бўлсан, кўпчилигимизнинг бу ўксас рутбаларга номуносиб эканлигимиз ойдинлашади. Унинг ҳар бир сўзи, амали зиёлиларнинг олдинги сафда бўлишлари зарурлигини эслатиб туради.

Жадидлар ҳалқимизни маърифатли, маданиятли қилиш билан Туркестонни дунёнинг илфор ўлкалари қаторига олиб чиқиш учун ўзларининг бор куч-куват, маблағ ва имкониятларини сарф этганлар. Профессор Бегали Қосимов таъбири билан айтганда, «XX аср биринчи ярмидаги энг машҳур ўзбек» Маҳмудхўжа Беҳбудий шулардан бири эди. Беҳбудий шахсияти бугунги авлодлар учун ибрат мактабидир. Зоро, унинг ўзи таъкидлаганидек, «Падаркуш»даги воқеалар бу шунчаки майши фожиасидир».

Чори НАСРИДДИНОВ,
Чирчиқ олий танк қўмандонлик-
муҳандислик билим юрти доценти

ЗАФАРЛИ ОДИМЛАР

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)

“ 1992 йилдан фаолиятини бошлаган армия спорт клуби (дастлаб МХСК – Марказий ҳарбий спорт клуби, сўнг MVSK – Mudofoa vazirligi sport klubи, эндиликда Марказ – Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази) дастлабки йиллар тикланиш, «оёқча туриш» даврини бошидан кечирди ва бу спортчиларнинг кўрсатган натижаларида ҳам акс этди – 1992 йили халқаро майдонда бор-йўғи 15 та медални қўлга киритган армиячилар мамлакатимиз миқёсидаги мусобақаларда 135 та медалга сазовор бўлишди. Бу кўрсаткич аста-секинлик билан йилдан-йилга ўсиб борди ва 2012 йилги мавсумда энг юқори натижা қайд этилди – халқаро майдонда 222 та совринга эгалик қўлган армия спортчилари мамлакатимиз миқёсидаги мусобақаларда 870 та, жами 1 092 та медални жамғаришди. 2013 – 2017 йилги мавсумлар эса армия спортчилари учун негадир бироз турғунлик ва босқичма-босқич ортга шўнғиши даври ҳам бўлди. Ва ниҳоят, 2018 йилги мавсумда 2012 йилги рекорд натижага янгиланди. 2018 йилнинг 3 январидан 31 декабрига қадар спортнинг 18 тури бўйича мамлакат ва дунё миқёсидаги турли мусобақаларда қатнашган армиямиз спортчилари мавсум давомида жами 1 130 та медални қўлга киритишли. Бу 1992 йилдан фаолиятини бошлаган армия спорт клуби учун энг юқори кўрсаткичли спорт мавсуми сифатида тарихга кирди.

**АРМИЯ СПОРТЧИЛАРИ УЧУН
2018 ЙИЛГИ МАВСУМ**

2018 йилги спорт мавсуми юртимиз ва умуман, қитъамиз спорти тарихига XVIII ёзги Осиё ўйинлари билан муҳрланадиган бўлди. Осиёнинг барча мамлакатлари қатори Ўзбекистон, шу жумладан армия спортчилари ушбу мавсумда асосий эътиборини 18 августан 2 сентябрга қадар Индонезиянинг Жакарта ва Палембанг шаҳарларида ўтказилган «қитъа Олимпиадаси»га тайёргарлик кўриш ва унда муносиб қатнашишга қаратишли.

XVIII ёзги Осиё ўйинларида Ўзбекистондан 331 нафар спортчи қатнашли. У юртимиз ва армиямиз спорти тарихида янги сахифа очди. Хусусан, ўзбек миллий кураши илк бор Осиё ўйинлари дастуридан жой олди. «Хиросима-1994»дан бўён «қитъа Олимпиадаси»да мунтазам равишда қатнашиб келаётган юртимиз спортчилари Индонезияда оламшумул муваффақиятга эришишли – Осиёнинг энг нуфузли мусобақасидаги еттинчи иштирокда ўзларининг энг юқори натижасини қайд этишили. Ўзбекистон спортчилари XVIII ёзги Осиё ўйинларининг 21 та олтин, 24 та кумуш ва 25 та бронза, жами 70 та медалини қўлга киритишли. Осиё ўйинларининг очилиш маросимида Ўзбекистон делегацияси байроқдори бўлган боксчи Исройл Мадримов ҳам олтин медалга сазовор бўлди.

**АРМИЯ СПОРТИ –
ЮРТИМИЗ ФАҲРИ****MVSK спортчиларининг
2018 йилги мавсум натижалари**

Спорт тури	2018 йил					
	Мамлакат миқёсида			Халқаро майдонда		
	олтин	кумуш	бронза	олтин	кумуш	бронза
1. Баскетбол	1	0	2	0	5	4
2. Бокс	5	1	3	9	8	6
3. Дзюдо	11	14	26	9	9	7
4. Енгил атлетика	128	90	59	20	27	9
5. Камондан отиш	29	18	20	1	4	2
6. Кураш	4	6	4	4	3	2
7. Мерғанлик (ўқ отиш)	17	17	11	3	2	3
8. Оғир атлетика	7	2	0	10	7	10
9. Регби	3	4	1	1	1	0
10. Самбо	8	4	10	0	0	0
11. Сув полоси	1	1	0	0	0	0
12. Таэквондо	5	6	1	8	5	10
13. Тенис	7	0	4	7	7	0
14. Трампolin	6	1	0	0	0	0
15. Шарқ якка – курашлари	Армрестлинг	32	24	23	1	1
	Жиу-житсу	5	4	5	0	0
	Универсал жанг	0	0	0	1	1
	Қўл жангиги	29	14	17	14	4
16. Эркин кураш	4	6	9	1	1	1
17. Эшқак эшиш (байдарка ва каноэ)	55	20	28	15	16	4
18. Юнон-рум кур.	0	7	38	0	3	2
Жами медаллар:		357	239	261	104	104
		857			273	
					1130	





Мазкур «қитъа Олимпиадаси»да юртимиз спортчилари эришган муваффақиятларнинг 50 фоизидан ортиғи Ўзбекистон терма жамоаси таркибида Индонезияга борган Мудофаа вазирлиги спорт клуби (MVK) вакиллариiga тегишли бўлди. Армиямиз спортчилари XVIII ёзги Осиё ўйинларининг 10 та олтин, 12 та кумуш ва 11 та бронза, жами 33 та медалига эгалик қилишиди.



МАВСУМНИНГ ЭНГ ЯХШИ НАТИЖАЛАРИ СОЛНОМАСИ

Туркманистон пойтахти Ашхобод шахрида оғир атлетика бўйича жаҳон чемпионати ўтказилди. Унда дунёнинг 88 мамлакатидан 600 нафардан ортиқ энг етакчи спортчилар қатнашиб, ғолиблик учун ўзаро баҳс олиб боришиди. Дунё биринчилигига иштирок этган 12 нафар оғир атлетикачимизнинг 6 нафарини MVSK аъзолари ташкил этди ва армиямиз спортчилари жаҳон чемпионатининг 5 та, яъни биттадан олтин ва кумуш, 3 та бронза медалини кўлга киритишиди. MVSK оғир атлетикачилари Адҳамжон Эргашев ва Акбар Жўраев ўсмирлар ўртасидаги дунё биринчилигининг ўз вазн тоифаси бўйича баҳсларида жаҳон рекордини янгилашди.

Февраль ойининг дастлабки кунлари Эронда енгил атлетика бўйича Ёпиқ иншоотлардаги Осиё чемпионати ўтказилди.



Унда қатнашган MVSK аъзоларидан уч нафари совриндор бўлди. Кичик сержант Надия Дўсанова баландликка сакраш, Елена Смольянова ядро улоқтириш баҳслари якунида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилиб, мусобақанинг олтин медалини қабул қилишиди. Кўпкураш баҳсларида қатнашган MVSK аъзолари А. Юрьевская эса қитъа чемпионатининг кумуш медалини кўлга киритиди.

Март ойининг иккинчи ярмида Ҳиндистонда ўтказилган кураш бўйича Осиё чемпио-

тида Мудофаа вазирлиги спорт клубининг 10 нафар аъзоси совриндор бўлди. Хусусан, Гулноза Матниёзова (-78 кг), Шерали Жўраев (-100 кг) ва Мұхсин Ҳисомиддинов (+100 кг) ўз вазн тоифаси бўйича беллашувлар якунида қитъа биринчилигининг олтин медали билан тақдирланишиди.

Мудофаа вазирлиги спорт клуби аъзоси А. Асадов (-80 кг) апрель ойида армрестлинг бўйича Қозогистонда ўтказилган XVII Осиё чемпионатида голиб чиқди.

20 – 30 апрель кунлари Урганч шаҳрида ўсмирлар ўртасида ўтказилган оғир атлетика бўйича Осиё чемпионати қаҳрамони MVSK аъзоси Акбар Жўраев бўлди. +102 килограмм вазн тоифалари ўртасидаги баҳсларда қатнашган Акбар даст кўтариш ва силтаб кўтариш бўйича ҳам энг юқори натижага кўйиб этди. Табиийки, унга иккикураш бўйича ҳам қитъа биринчилигининг олтин медали топширилди.

Май ойида Қозогистонда ўтказилган бокс бўйича халқаро турнирда армиямиз спортчиларидан 8 нафари совриндор бўлди. А. Қўчқоров (-56 кг) ва М. Сайдраҳимов (-91 кг) ўз вазн тоифалари бўйича жанглар якунида олтин, Х. Латипохунов (-52 кг), Ш. Раҳимов (-60 кг) ва Б. Ботуров (-69 кг) кумуш, Ж. Расулов (-64 кг), О. Аслонов (-75 кг) ва К. Мардонов (-81 кг) бронза медаль билан тақдирланди.



Июнь ойида Қирғизистонда ўтказилган енгил атлетика бўйича халқаро турнирда MVSK аъзолари 3 та олтин, 6 та кумуш, битта бронза, жами 10 та медалини кўлга киритишиди. Армиямиз спортчisi Шоҳруҳ Давлатов халқаро турнирнинг 2 та медалига эгалик

қилди – 5 000 метрга югуриш бўйича олтин, 1 500 метрга югуриш бўйича кумуш медаль. Шунингдек, И. Денисов ҳам халқаро турнирнинг 2 та медалига эгалик қилди – узунликка сакраш бўйича олтин, уч ҳатлаб сакраш бўйича кумуш медаль.

Мудофаа вазирлиги спорт клуби аъзоси кичик сержант Надия Дўсанова июнь-июль ойлари Грециянинг Афина ва Польшанинг Варшава шаҳарларида ўтказилган халқаро турнирларда иштирок этди ва ҳар иккисида ҳам баландликка сакраш бўйича иккинчи натижага кўйиб этди, кумуш медаль билан тақдирланди.

Сентябрь ойида таэквондо WTF бўйича Вьетнамда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида MVSKning 6 нафар аъзоси совриндор бўлди. Нигора Турсункулова (-67 кг), Никита Рафалович (-74 кг) ва Дмитрий Шокин (+87 кг) олтин, Ниёз Пўлатов (-58 кг), Сардор Тоиров (-63 кг) ва Максим Рафалович (-80 кг) бронза медални кўлга киритиди.

Аргентинанинг Буэнос-Айрес шаҳрида октябрь ойида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги III ёзги Олимпиада ўйинларида Ўзбекистондан 37 нафар спортчи қатнашиб, 5 та олтин, 4 та кумуш, 7 та бронза медални кўлга киритиди. Терма жамоамизга жалб этилган 5 нафар MVSK аъзоларидан 3 нафари совриндорлар сафидан жой олди. Хусусан, Гулбаҳор Файзиева байдарка ва каноэда эшқак эшиш бўйича олтин, Улуғбек Рашитов (-51 кг) таэквондо бўйича кумуш медаллик бўлди.

Параолимпиачилар ўртасида ноябрь ойида Португалияда ўтказилган дзюдо бўйича дунё биринчилигига қатнашган MVSK аъзоси Рамзиддин Сайдидов -73 кг вазн тоифасида барча рақибларини мағлуб этиб, жаҳон чемпиони бўлди.

9 – 12 ноябрь кунлари ташкил этилган дзюдо бўйича Тошкент Гран-при турнирида дунёнинг 47 мамлакатидан келган 360 спортчи қатнашиб, ғолиблик учун ўзаро баҳс олиб боришиди. Якунда Ўзбекистон терма жамоаси битта олтин, учта кумуш, битта бронза, жами 5 та медалга эга бўлди. Ушбу совринларнинг учтасига MVSK аъзолари эришиши – Диёрбек Үрзобоев (-60 кг), Сардор Нуриллаев (-66 кг) ва Бекмурод Олтибоев (+100 кг) ўз вазн тоифалари бўйича баҳслар якунида кумуш медаль билан тақдирланишиди.

MVK аъзоси Адҳамжон Эргашев декабрь ойида Қатарда ўтказилган оғир атлетика бўйича «Қатар Кубоги» халқаро турнирнинг даст кўтариш баҳслари якунида олтин, силтаб кўтариш бўйича бронза, иккикураш бўйича кумуш медални кўлга киритиди. Катталар ўртасидаги баҳсларда қатнашган ёш спортчимизнинг иккикураш бўйича кўрсатган натижаси ўсмирлар ўртасида жаҳон рекордини янгилади.

Армия спортчилари 2018 йилги мавсумда мамлакат миқёсидаги мусобақаларнинг 357 та олтин, 239 та кумуш, 261 та бронза, жами 857 та медалига; жаҳон ва Осиё чемпионатлари, «қитъа Олимпиадаси» ҳамда турли халқаро турнирларнинг 104 та олтин, 104 та кумуш, 65 та бронза, жами 273 та медалига сазовор бўлишиди.

(Давоми газетанинг келгуси сонларида).

Расул ЖУМАЕВ,
«Vatanparvar»

МУТОЛАА

Жўра ФОЗИЛ

БОЙҚҮНГИР ЛОЛАЛАРИ (КИССА)

V БАРХАНЛАР ИЧКАРИСИДА

Узун бўйли, елкалари буқчайган, доимо дала ҳарбий кийимида юрадиган, қисм командирининг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари майор Кузнецовни аскарлар «Кузя» дейишар, биз, ўзбеклар тилида эса, унинг лақаби «Пишган калла» эди. У доимо тиржайгандек тишининг оқини кўрсатиб юрганидан, шу лақабга сазовор бўлганди. Йўқ, у қувноқ ёки ним табассумга мойил одам эмас, юз тузилиши шунақа эди, холос. Дарвоқе, у тишининг оқини кўрсатиб юради, дедим. Бу унчалик тўғри эмас, чунки майор астойдил истаганида ҳам, тишининг оқини кўрсатолмасди. Кўп тамаки чекканидан тишлари, сигарет ушлайдиган бармоқларигача сарғайиб кетган, юзлари, кўзлари ҳам заъфарон тортганди.

Кузя – «Пишган калла» жуда кам гапирав, «қўйсанг-чи, ҳе, онангни сени!»дан бўлак бирор калима сўз билмасди, чамаси.

Тақдир ўйинини қарангки, сиёсий тайёргарликдан «аъло» баҳо олиб, уйга бориб-келиш учун ўн кечак-кундузлик таътил билан тақдирланганимда, «Пишган калла» менга жуда меҳрибон бўлиб қолди ва бу дилсўзлик, ҳада этилган бир сидра оҳори тўкилмаган аскарий саруго билан ифодаланди. Умрида одам ахлига бир оғиз яхши сўз айтмаган бу кимсанинг менга кўрсатаётган эътиборидан ҳайрон эдим. Тўғри-да, қисм командири ўринбосари қаерда-ю, эндигина бир йил хизмат қилган оддий аскар қаерда? У мени Тўра Том бекатигача кузатиб қўймоқчи бўлганида, ҳайратим янада ошди. Бу ҳайратга фақатгина поездга ўтириш олдидан чек қўйилди.

– Жорик, – деди «Пишган калла» ялинчоқ товуш билан елкамга дўйстона қўл ташлаб, – Бухоро томонларда топилади, деб эшитаман, менга бироз наша олиб келсанг... – майор галифе шими чўнтағига қўл суқиб, бир даста ўн сўмлик чиқарди.

Шу тобда унинг башараси ҳақиқатан ҳам куйдирилган каллага жуда ўхшаб кетарди ва унга бу номни қўйган сўзамол йигитларимизга яна бир карра қойил қолдим.

– Пулнинг кераги йўқ, шундок олиб келаман, – дедим талмовсираб.

Кўрқиб кетгандим, ҳар қанча ёш, тажрибасиз бўлсан-да, шундай маҳфий манзилга наша олиб келиш Тўрма Том эмас, ҳақиқий турма билан туғашини билардим.

Шу ернинг ўзида бундай номаълум ишни қиласликка онт ичдим-да, майорга: «Ташвишланманг, албатта, олиб келаман», дедим.

– Олиб келмасанг, ўзинги қийин бўлади, бола, – деди у энди сўз оҳанганин ўзгартириб.

Лекин мен «Москва – Ашхобод» тезюар поезди бўлмасига киришим биланок, Тўрма Томни, лаънати Бойқўнирни, «Пишган калла» ва ҳамма-ҳаммасини унутдим. Бутун ўй-хаёлим қари отам ва Муаттарда эди.

Қадрдан Бухоро мени биринчи қор билан қарши олди. Деразадан қор ёғишини томоша қилиб, отам билан узоқ сұхбатлар курдим. Оппоқ сеҳр-жодуга бурканган тоғу гумбазлар аро Муаттар иккимиз менинг қора погонларим, унинг қизил рўмоли қордан оқариб қолганча кездик. Аскар топшириқларини бажардим. Ўн кунлик таътил ўн дақиқадек ўтди-ю, кетди. Озодликдан Бойқўнирдек улкан аскарий турмага сира қайтгим келмас, лекин бунинг ҳеч бир иложи йўқ эди. Қисмга қайтиб келганимдан сўнг, «Пишган калла» билан бўлиб ўтган ёқимсиз сұхбат тафсилотини айтиб ўтирумайман. Фақат сұхбат охирида «Пишган калла» илондай вишиллаб айтган сўzlарини эслашга тўғри келади.

– Яхши, яхши, – деди у мен ҳеч нима олиб келмаганимни билгач, – сен тўнкага командирни алдаш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман. Лаънати осиёли!

Командирнинг гаплари суюк-суюгимдан ўтган бўлса-да, индамадим. Чунки сиртдан қараганда, вақтингчалик ҳақиқат у томонда, мен въядамнинг устидан чиқмаган эдим. Аслида эса у мени жиноятга ундағанини ҳисобга олмаётганди.

* * *

Қиши, баҳор ўтиб, хизматимизнинг сўнгги ёзи келди. Баҳорда ям-яшил ўт-ўланлар, лолаларга бурканган чўл бир хафтага қолмай жизғанак бўлди ва чор атроф яна кўзни толиқтирувчи сарик, тўқ жигаррангга бурканди. Бойқўнирнинг қиши қанчалик қаҳрли, қаҳратон бўлса, ёзи шунчалар жазирама, казармалар яқинида етимлардек мунғайян яккам-дуккам гужум, терак дараҳтлари соясида ҳарорат 50 дараҷага етарди. Хизмат қишидагидан ҳам баттар оғирлашиди. 95-майдончага сув ташиб келтирилар, шу боисдан, айрим пайтлар ювиниш ёинки ичиш учун бир қултум сувга зор бўлардик ва бизни шу чўлга келтириб ташлагани учун тақдирнинг лъянатлардик.

Орадан шунча вақт ўтган бўлса-да, «Пишган калла» мен билан қайта юзма-юз бўлмаган, бирор азиат етказмаган, демак, орамиздаги жанжални унтутиб юборган, деб ўйлардим. Лекин кўп ўтмай, янглишганимни англадим.

...Иссик тонгларнинг бирорда бадантарбия пайтида уч қақирим масофага югурмоқда эдик. Кимдир оёғимдан чалиб юборди. Қаттиқ мункиб кетдим, юзтубан йиқилишимга оз қолди. Бу бедодликка жавобан шахт билан ўғирилдим-у, оптимдан келаетган қозоқ йигити Муҳаммаджоновни юз-кўзи аралаш қаттиқ мушт туширдим. Муҳаммаджонов додлаб юборди-ю, сафдан чиқди.

– Ҳой, танинг соғми сенинг, мен чалганим йўқ-ку! – деди увой-войлаганича қўзини ушлаб.

Саф бузилди, аскарлар тўзгиб кетдилар. Югуришини истамаётган йигитларимиз учун яхши баҳона топилган эди.

Бадантарбия машғулоти барбод бўлди. Бунинг сабабчиси мен эдим. Муҳаммаджонов мени чалиб юборганини тан олмас, йигитлар ҳақиқий айборд ким эканини айтишмас, чунки чақимчилик армияда жуда ёмон қусур саналарди.

Муҳаммаджоновнинг кўзи кўкариб, шишиб кетди, воқеадан ҳабар топган рота командири мени уч кечак-кундуз авахтага ҳукм этди.

Иш пачава бўлганди. Чунки 95-майдончанинг авахтаси, унинг жуда қаттиқўл коменданти Пчёлкин ҳақида даҳшатли ҳикоялар қилишар, устигаустак, қуёш тифидаги товуқ катагидек камераларни кана босган, дейишарди. Авахтада ўтирган йигитларни беҳад қийнагани учун комендатура старшинаси Темуршоевни аскарлар ўйига қайтишаётганда поезддан улоқтириб юборишган эмиш. Комендант Пчёлкин авахтадаги аскарларни йиқилиб қолгунча югуртиармиш ва ким йиқилиб қолса, қамок муддатини яна узайтиармиш... Авахта соқчилари овқатнинг сарасини ўзлари еб, сарқитни қамалгандарга берармиш ва ҳоказо...

Ҳамюрт йигитлар кўнглимни кўтаришар, ҳақиқий айборни албатта аниклаб, боплаб таъзирини берамиш, дейишар, Самад ва Усмон мени овқат билан таъминлаб турини зиммаларига олишганди.

Бу орада сержант Харитоновни болоҳонадор қилиб сўккани учун Ҳасан исмли озарбайжон йигити ҳам уч кечак-кундузлик авахтага ҳукм этилди. Кўнглим бироз ёришгандек бўлди, чунки Ҳасан жуда шўх, қизиқчи йигит бўлиб, у билан жаҳаннамга боришига ҳам рози эдим.

(Боши газетанинг ўтган сонларида)

Нонуштадан сўнг бизнинг камар ва ҳужжатларимизни олиб қўйиб, энди авахтага жўнатамиз, деб туришганида, саф олдида кутилмаганда «Пишган калла» пайдо бўлди.

– Командир, – деди у рота командирига юзланиб, – мана шу иккى лочинни менинг ихтиёригма берсанг. Булар учун маҳсус топшириқ бор. Майор тиржайганича мен ва Ҳасанга ишора этиб турарди.

Улар олдиндан келишиб олган экан, шекилли, рота командири ҳам дарҳол рози бўла қолди ва «Пишган калла» бизни эргаштириб, штабга жўнади. Кўнглим ёмон бир нарсани сезиб, таъбим хиралашди.

– Ҳасан, дўстим, ҳушёр бўл, Кузя бизни ёмон бир балога гирифтор қилмоқчига ўхшайди, – дедим.

– Қўйсанг-чи, гардаш, у маҳсус топшириқ бор, деяпти-ку, – деди Ҳасан соддалик билан қирғий бурнини қашиб.

– Эҳ, тентак, қамалган аскарга қанақа маҳсус топшириқ бўлсин?

Ҳасан «ビルマスам» дегандай елка қисди. Мен эсам «Пишган калла» түядек кекчи эканини энди англаш етгандим ва ҳар қандай кутилмаган ҳолатларга ўзимни тайёрлар эдим.

Орадан сал фурсат ўтиб, «Пишган калла» юк машинаси кабинасига ўтириди-да, бизни тепага чиқишига ундан, ҳайдовчига «ҳайда» ишорасини қилди.

Олов селига фарқ чексиз кум уммонида кетиб борардик. Иссик кўнгилни беҳузур этар, қулоғим остида сувнинг шарқираган овози эшитилар, кўзим олдини кўм-кўк парда қоплаганди. Бу ўринда шуни эътироф этишим керакки, чўлда хизмат қилган пайтимда, ёзда машинада қаёққа қараб йўлга чиқмайлик, мен қирғоғида улкан толлар ўсиб, кўм-кўк сув шарқираб оқиб ётган сой бўйига етиб келамиз, деб астойдил ишонардим. Манзилга етиб боргач, қумга тап-тап сакраб тушганимиздан сўнг, кўнглим беҳад бузиларди. Қулоғим остида сувнинг шарқириши тинмасди.

– Гардаш, ҳой, гардаш, – мени туртди Ҳасан жим кетавериш жонига теккак, – кўп ғам чекаверма, бизни ўлдиришмас ахир, ҳар қалай, икковимиз-ку, бир-биримиздан боҳабар бўламиз.

Ярим соатлардан сўнг қисм чўчқаҳонасига етиб келдик. Бу ердаги қўланса ҳид иссиқ ҳаво билан қўшилиб, димокни ёргудек эди. Чўчқаҳона ҳам номигагина бўлиб, бир неча бостирма ва икки ертўладан бўлак ҳеч вақо йўқ эди.

Ертўлада уч чўчқабоқар яшар, уларнинг бири – дум-думалоқ, сарғиши сочлари пешонасига тушиб турадиган рязанлик йигит Миша Мижуев ротамиз рўйхатида турар, биз билан бир кунда ҳарбий хизматга қақирилганди.

– Лочинлар, – деди «Пишган калла» Ҳасан иккимизни энг чеккадаги бостирма ёнига бошлаб бориб, – мана шу ерда етмиш қадамлик ёғоч девор барпо этасизлар. Роппа-роса уч кунлик иш. Хоҳланг – кундузи ишланг, хоҳланг – кечаси. Агар айтган муддатда ишни тугатмасангиз, ўзингиздан кўрасиз.

Майор бир яшик мих, бир болта ва аррани кўлимизга тутқазиб, атрофда уюм-уюм бўлиб ётган, кучукнинг оёғидек эрги-буғри ёғочларга ишора қилди-да, жўнаб кетди. У биз уч кун нима еб, нима ичамиз, қаерда ҳулаймиз, бу ҳақда гапирмади.

Биз аввалига майордан тез ва осон қутулганимизга хурсанд бўлдик. Лекин қўлга болтани олиб, қуёш тифида ярим соатча ишлаганимиздан сўнг, дурадгорликдан мутлақо ҳабаримиз ўйқлигидан бу ишни бир ойда ҳам тугатолмаслигимизга амин бўлдик. Боз устига, офтоб уриб, жон таслим этиш ҳам ҳеч гап эмасди.

Уст-бошимиз тердан шалаббо, дақиқа сайн сув ичгимиз келарди... Шу тариқа тишини тишига қўйиб, тушгача ўн қадамча жойга нари-бери девор тикладик. Эгнимизда ич кийим, этик ва панама (Туркистон ҳарбий округи аскарлари ёзда киядиган бош кийими)дан бўлак нарса қолмади. Ҳолдан тойиб, бостирма соясига ўтиридик.

– Эҳ, қанийди, бир косагина муздек айрон бўлса! – дедим ташналиқдан тилим танглайимга ёпишиб.

– Қўй, гардаш, юрагимни тирнама, ҳозир сену мендан ана у, балчиққа беланиб ётган чўчқанинг қадри баланд. Ейдигани ҳам, ичадигани ҳам ёнида... – деди Ҳасан авзойи бузилиб. – Агар Харитонов панараоқда қўлимга тушиб қолса борми, бўғиб ташлайман. Бу, Кузя деганинг ҳам, нақ ҳайвоннинг ўзи экан. Ҳе, маҳсус топшириғинг бошингни есин!

– Қўй. Ҳасан, хафа бўлма, авахта команданти Пчёлкиннинг қўлига тушсак, аҳволимиз бундан баттар бўларди-ку!

– Баттар бўлиб кетмайдими, ҳар ҳолда у ерда еган-ичганинг тайин эди-да! – жигибийрон бўлди Ҳасан.



У бечора ҳаддан ташқари ориқ, узун бўлганидан, очликка тоби йўқ эди.

– Шу ердаем одамлар бор-ку, очдан ўлмасмиз, – дедим уни юпатиб. Сўзимни тугатмай, каршимизда Миша Мижуев пайдо бўлди.

– Юринглар, йигитлар, худо берган ризқ-насибани баҳам кўрайлил. Кузя сизларга овқат юборадиган анонайлардан эмас, – деди у беғубор жилмайиб.

Чўчқабоқарларнинг ертёласи салқингина экан, анча жонимиз кириб қолди. Кўп ўтмай, столда бир буханка қора нон, товада жизиллаб турган картошка ва беш кружка сут пайдо бўлди. Сутни кўриб, Ҳасан бир сапчиб тушди, кўзлари ола-кула бўлиб, бақири.

– Ҳой, Миш! Тўғрисини айт, чўчқанинг сутими бу?! – у ўз кружкасини олиб, иргитмоқчи бўлганди, Миша унинг кўлинини ушлаб, тушунтири.

– Тентаклик килма, иккита сигиримиз ҳам бор. Ишонмасанг, юр, кўрсатаман.

Лекин Ҳасан сутни ичишдан қатъий бош тортди.

– Бўлти, муроса қилди Мижуев, сут ичмасанг, спирт ичарсан?

У каравот остига кўл узатиб, филофи ҳўл сувдонни илиб олди.

Ҳасаннинг кўзлари шўх чақнаб кетди.

– О-о, спирт? Спирт ичарам! Заҳар бўлса-да, ичарам!

Бешовлон бир сувдон спиртга шунча миқдорда сув қўшиб, томчисини ҳам қолдирмай ичиб юбордик. Ҳаммадан олдин Ҳасан маст бўлиб қолди ва савағичдай узун бармоқлари билан кўзларини ишқаб, ҳўнг-ҳўнг йиғлай бошлади.

– Кишлока ёлғиз онам қолган. Онамни соғинидим. Жуда соғинидим. Буларнинг ҳаммаси эса онамни сўкишиди. Харитоновни қайтариб сўккандим, қамоққа ҳукм этишиди. Ахир, қамаш керак бўлса, аввал Харитоновни қамаш керак-ку, у биринчи бўлиб онамни сўқди-ку! Вай-вай, бу қандай бедодлик! – зорланарди у.

Ҳасан йиғлай-йиғлай, ухлаб қолди. Биз ҳам пинакка кетдик.

Үйғонганимизда қош қорая бошлаган, ҳаво ҳарорати анча пасайган эди. Ҳасан иккимиз яна қўлга болта-аррани олиб, ишимишни давом эттира бошладик. Миша ва унинг шериклари бизга ёрдамга келишиди. Ойдин тунлар ва салқин тонглардан фойдаланиб, чўчқабоқарлар ризқига шерикчилик қилиб, икки кеча-кундуз ишладик. Лекин бешовлон тер тўксак-да, топширилган ишнинг ярмини ҳам уддалаётмадик. Ҳафа бўлиб кетдик. Қўлимизда болта-ю, хаёлимиз «Энди «Пишган калла» бизга яна қанақа қўйинок ўйлаб топар экан?» деган ўй билан банд, ишимишда эса унум йўқ эди.

Учинчи кун чошгоҳда «Пишган калла» келди. У биз бажарган иш кўлами билан танишгач, бошини сарак-сарак қилганича, ёнига имлади.

У бақириб-чақирмади, сўкмади, кўзимизга тик боқиб, заҳархандалик билан шундай деди:

– Командир бўйругини бажармабисизлар. Бунинг учун ҳар икковингни ҳам ҳарбий трибунал судига топширидим, қаматиб юборишим мумкин. Лекин мен олижаноб одамман, сенларга яна енгил жазо бераман. Қисм ошхонаси учун иккита чўчқа сўйиб берасизлар. Шу билан авахта муддатингиз ҳам тугайди.

Ҳасан ҳам, мен ҳам қотиб қолдик. Биз ҳар қандай оғир жазога ўзимизни тайёрлаган бўлсак-да, бунчалик зарбани кутмагандик. Ич-ичимдан кўтарилиб келаётган қаттиқ fazab ва титроқни зўрга босиб, Ҳасанга тикилдим. Унинг юзи янада қорайиб кетган, тишларини қисганча, ниманидир зўр бериб ўйларди. «Оббо, хаёл суришга топган вақтингни қара-ю!» дедим ўзимча ва «Пишган калла»га юзландим.

– Ўртоқ майор, мен бу бўйрукни бажармайман! «Пишган калла» пинагини ҳам бузмади.

– Бажармай қаёқча ҳам борардинг? Сен, маҳмадона, низомни ўқигансан, командир билан баҳсланиш нималарга олиб келишини биласан-ку!

– Биламан. Отиб ташласангиз ҳам майли. Лекин мен чўчқа сўймайман. Буни ўзимга ҳақорат деб ҳисоблайман.

– Яхши, яхши, гапиравер. Ҳақиқатан ҳам тилинг жуда бурро экан. Ҳўш, сен Муҳаммаджоновга туширган мушт ҳақорат бўлмай, мукофот эдими?! – вишиллади «Пишган калла».

– У ўз номаъкулчилиги учун калтак еди, – дедим мен.

– Ҳа, баракалла, мана энди, ўзингга келдинг! Сен ҳам номаъкулчилигинг учун азият чекяпсан. Қайтар дунё дейдилар буни, азизим!..

Мен куни кеча сигир сутини чўчқа сути деб ўйлаб, жазаваси қўзиган Ҳасандан најот кутардим. Лекин Ҳасан негадир фавқулодда хотиржам эди. Баҳсимизни узоқдан кузатиб турган Миша ёнимизга келди.

– Ўртоқ майор, қўйинг, уларни бу ишга мажбур этманг. Мусулмонларда чўчқа ҳаром ҳисобланади. Боз устига, бу жоноворларни дуч келган одам сўя олмайди-ку! Биз ўзимиз ҳар кунгидек сўйверамиз. Ҳеч кимнинг ёрдами керак эмас, – деди у.

«Пишган калла» башарасида чексиз нафрат барқ уриб, Мишага ўқрайди.

– Оддий аскар Мижуев! Ким эканингизни унту-япсиз! Менга ақл ўргатишни бас қилинг! Бирорларнинг ёнини олгунча, ўз гунохларингиз тўғрисида ўйлаб кўрсангиз яхши бўларди! – деди у таҳдидли овозда Мишани сизлашга ўтиб.

Миша жимиб қолди. Унинг ранги оқарган, мовий кўзларида кўркув ва айни вақтда, нафрат ифодаси намоён эди.

«Эй, худо, бу не кўргилик?! Умрида ҳатто чумчук бошини кесмаган одамни чўчқа сўйишига мажбур этсалар», дея фикран фарёд этаётган эдим, шу чоқчача мум тишлаб ўтирган Ҳасан тилга кирди:

– Товариш майор! Қани, беринг пичноғингизни, нечта чўчқа бўлса, сўйиб ташлайман!

– Ҳой, Ҳасан, жинни бўлдингми? Чўчқа бир пишқирса, эсинг оғиб қолмасин яна!

Ҳасан менга ўқрайди ва ўт чақнаётган кўзлари билан «жим тур» маъносида им қоқди.

«Пишган калла» мамнун иршайди. Мижуевга пичноқ олиб келишни буюорди-да, худди меҳрибон устоздек, Ҳасанга чўчқа сўйишининг «нозик» томонларини тушунтира кетди:

– Бунинг хеч кўрқадиган ери йўқ, сендан талаб қилинадигани, қўлинг қалтирамай, пичноқни мўлжалга – қоқ юрагига урсанг, бўлгани. Бир неча зарбадан сўнг, тил тортмай ўлади, марра сеники... – майор оғиз кўпиртириб сўзлар, бизни таҳқирлаётганидан ҳузурланарди.

Бангва ароқ эс-хушини ўғирлаган майор Ҳасаннинг юзлари ҳаддан ташқари қорайиб кетганига, кўзларида телбавор, ёввойи бир ўт чақнаётганига эътибор қилмас, мен эсам дўстимнинг важоҳатидан хавотирда эдим. Бу орада Мижуев келиб қолди ва кўлидаги ярим қулочча келадиган пичноқни Ҳасанга узатди. Қолган воқеалар бир неча сония олдин ўт сачраган кўзлари қонга тўлган, овози хириллаб чиқарди.

Миша иккимиз турган еримизда қотиб қолдик. Биз жуда аянчли манзара гувоҳи эдик. Ҳасаннинг тиззаси остида ётган майор қаршилик кўрсатмас, ислиғи чиқиб кетган фуражкаси бир чеккага думалаб кетган, оқара бошлаган, сийрак сочлари пешонасига ёпишган, кулранг кўзлари нурсиз, шуурсиз боқарди. Ҳасан уни бўралаб сўкар, дағдаға қиларди.

– Ё хозир бизни хўрлаганинг учун кечирим сўрайсан, ёки чўчқаларингдан олдинроқ нариги дунёга жўнайсан! Ҳе, онангни, сенинг! Кўпрак!

Гапиришга имкон яратиш учун Ҳасан майорнинг гирибонини бироз бўшатди. У чуқур тин олиб, эшитилар-эшитилмас хириллади:

– Кечиринглар, мени йигитлар... Бу кунимдан ўлганим яхши...

– Агар бизни сотсанг, барибир пайт пойлаб, сўйиб ташлайман, билиб қўй, – деди Ҳасан.

У майорнинг шалвираб ётганини кўриб, бироз шаштидан тушган эди. Рақибининг гирибонини кўйиб юбориб, ўрнидан турди ва пичноқни бостирма ортига отиб юборди.

Миша майорнинг ўрнидан туришига кўмаклашди, фуражкасини ердан олиб, чангни қоқиб, узатди. «Пишган калла» аянчли, афтодаҳол қиёфада бостирма соясига ўтди. Чўнтағидан эзғиланиб кетган сигарат олиб, тутатди, чуқур «уф» тортди. Ҳасан ўн қадамча наридан бизни сўзсиз кузатиб турарди.

– Биратўла ўлдириб қўя қолсаларинг бўларди. Ҳамма ғавғолардан кутулардим. Ҳизмат вазифасини бажариш пайтида ҳалок бўлди, дея мукофотга тақдим этишарди... – «Пишган калла»нинг овози титраб чиқса-да, нурсиз кўзлари, заҳил башарасидан кўркув излари йўқолган, унинг ўрнини ўша иржайганинмо заҳархандалик эгалламоқда эди.

– Сиз хафа бўлманг-у, ўзингиздан ўтди, – деди Миша юрак ютиб.

– Ҳамма гапирса ҳам сен гапирма. Булар билан энди ора очиқ, сўз бердим. Лекин сен билан ҳисоб-китоб ўзгача бўлади, – деди «Пишган калла» ва секин юриб Ҳасаннинг ёнига борди. Ҳасан ҳушёр тортиб, хурпайди. У афтидан, ўз қизиқонлиги оқибатларини ўйламокда, чунки агар иш чаппасидан кетса, ҳар иккимиз интизомий жазо батальонига равона бўлишимиз тайин эди.

– Қани, қўлни ташла, осиёлик ёввойи, – деди майор Ҳасанга ориқ, узун кўлни узатар экан, – гап шу ерда қолсин. Қариганда аскардан калтак еди, деган маломатга сира тобу тоқатим йўқ.

Ҳасан бу сўзларга ишониш-ишонмаслигини билмай, кўл узатди.

Шу билан авахта муддатимиз тугади ва тушликка яқин қисмга қайтиб келдик. Йигитлар бизни худди у дунёдан қайтганларни кутгандек кутиб олишди. Самад ва Усмон ҳатто обидийда ҳам қилишди. У шўрликлар авахтада овқат билан қўллаб туришга ваъда бериб, бизнинг қаердалигимизни ҳам билишолмаган экан. Ким тамаки тутқазди, ким гугурт чақиб беради, кимдир елкамизга шапатилайди, хуллас, йигитлар бизни жуда талтайтириб юборишиди.

Чўчқаҳонадаги воқеани ҳеч кимга айтмадик. «Пишган калла» ҳам сўзининг устидан чиқиб, бизга азият етказмади.

* * *

Ҳизматнинг сўнгги ёзи охирлаёзган, биз тушимизда ҳам, ўнгимизда ҳам Бухорони кўрардик. Барча сухбатларимиз шу мавзуда, томоғимиздан овқат ҳам яхши ўтмас, нуқул кун санаардик. Ана шундай дилгир кунларнинг бирида «чўчқабоқар Миша Мижуев бедарак йўқолибди», деган хунук хабар тарқалди. Командирларимиз типириклиб қолдилар. Аввалига қисмимиз, сўнг бутун гарнizon аскарлари чўлни қадам-бақадам кезиб чиқдик. Миша ҳеч кеरда йўқ эди. Унинг уйига, ҳарбий комиссариатга кетма-кет телеграммалар жўнатилди. Ҳарбий прокуратура жуда кўпчиликни, жумладан, мен ва Ҳасанни ҳам сўроқ қилди. Ҳеч қандай натижага чиқмади. Мен баъзи-баъзида «Пишган калла»нинг Мишага дағдаға қилиб, «Сен билан ҳисоб-китоб ўзгача бўлади», деган сўзларини эслаб, сесканиб кетардим. Лекин бу сўзлар замирида қандай сир яширин эканини билолмасдим.

Оғир кунда бизга мадад берган оққўнгил йигит Мишанинг тақдири мени беҳад ташвишлантиради, шубҳа-гумонларимни бирорга айтольмай, қийналардим.

Кунлар кетидан кунлар ўтди. Лекин Мишадан дарак бўлмади.

* * *

Бойқўнғирни тарқ этганимга кўп йиллар бўляти. Бу маскан билан боғлиқ кўп воқеалар унтутилиб кетди. Лекин Миша йўқолиб қолганидан сўнг, орадан бир неча ой ўтгач, қисмга етиб келган она-нинг ахволини, кўзларида қотиб қолган даҳшатни ҳамон унтутолмайман. Одмигина чит кўйлак кийиб, эски дуррача ўраган, оқ-сариқ сочлари паришон бу аёл ҳамон тушларимга киради. У ҳатто, сичқон ҳам ўтломайдиган сон-саноқсиз назорат-текширув постларидан қандай ўтгани, олис күмликлар ичкарисидаги бу масканга қай тахлит етиб келгани, ўзига ва ёлғиз худогагина маълум.

Мишанинг онаси штаб олдида бир кеча-кундуз тик турди. У йигламас, гапирмас, факат кўзларидаги даҳшат юрак-багримизни эзарди. Биз унга нон, мой, қанд олиб бордик, командирлар ҳам атрофида парвона бўлдилар. Лекин она киё ҳам боқмас, лаблари аранг «Миша, Мишенья...» деда пичирларди, холос.

Эртасига эрталаб, она ғойиб бўлди. Штабдаги юргадкларнинг айтишларича, «маҳсус бўлим»-дагилар уни уйига кузатиб қўйиш учун олиб кетишганниш...

(Тамом)
1992 йил май-июнь.

МУАЛЛИФ ҲАҚИДА

«Дўстлик» ордени соҳиби, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Жўра Фозил (Жўра Ваҳобович Фозилов) 1949 йил 5 октябрда Бухоро вилоятининг Ромитан туманида туғилган. Тошду (хозирги ЎзМУ) Журналистика факультетини тугаллаган.

«Муҳаббатнинг байрамлари», «Барқут мавсум», «Бухоро элчиси», «Баҳт юлдузи», «Менинг қизил гулим», «Болаликнинг ёлғиз ёдгори», «Бухорийнинг қайтиб келиши», «Айрилиқ осто-наси», «Тирамоҳ армонлари», «Фозиён зиндони», «Йўлбарсдариған сўнгги сultononi», «Ошик Бухорий қиссалари», «Хонгулнинг саргузаштлари» каби ҳикоялар, қиссалар ва романлардан иборат китоблари нашр этилган. Адибнинг «Дўста зор бўлган кунинг» ҳикояси асосида қозогистонлик кино ижодкорлар томонидан бадиий фильм суратга олинган. У, шунингдек, рус адиллари Константин Паустовский ва Виктор Астафьевнинг қисса ва романларини рус тилидан таржима қилган.

ЖАСОРАТ ЛАВҲАЛАРИ

ШЕРЮРАК РАЗВЕДКАЧИ

(воқеий ҳикоя)

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонида)

“ Разведкачилар белгиланган вазифани улдалаб ортга қайтиши. Бир неча кундан бўён ҳаракатсиз туриб қолган қисм улар келтирган маълумотларга таяниб жангга чоғланди. Олдинги сафда Абдулла ва унинг сафдошлари. Фашистларнинг кечаги ваҳшийлигидан кўкси қаҳрга тўла Абдулланинг вужуди ҳамон ларзада.



– Бағри қуюк оталар, муштипар оналар, хўрланган норасидалар, эрта хазон бўлган сафдошларимиз қони ҳаққи, олға! – қичқирди жангчилардан бири.

– Ура-а-а! – даъваткор садо кўкни коплади.

– Ура-а! – қичқирди олдинга интилаётган Абдулла ҳам.

Шунда оғир зарбдан боши орқага силтанди-ю, кўз олдида майда учқунлар пайдо бўлди, орқага қараб йиқилаётганини хис қилди. Оғзи қонга тўлган йигитнинг қулоғи остидан сизиб чиқаётган қон бадани бўйлаб ўрмалади. Ҳоли қуриётган Абдулла қўлини олдинга чўзар, кўзига кўринаётган зангори деворни ушлаб ўрнидан туришга ҳаракат қиласди. Аслида ҳұшсиз йигит куйган ўт-ўланлар ичидан ётарди. У душман ўки оғиздан кириб, қулоғи остидан чиқиб кетганини билмасди ҳали.

Абдулла маълум вақт ўтиб, жангдан кўра даҳшатлироқ бўлган совуқ сокинлик бағрида кўзини очди. Ҳамон оғзи ва қулоғи остидан қон сизиб турарди. Оғриқ зарбидан инграган кўйи ўрнидан туришга ҳаракат қилди.

– Инграётган... ким?

Унинг ўнг томонидан заиф, таниш товуш қулоғига чалинди. Абдулла ўзини қўлга олиб ўша томонга ўғирилди. Икки-уч метр нарида юзи қонга беланган рота командири Ращупкин ётарди.

– Ўртоқ капитан, сиз... – оғиздаги қонни тупуриб, аранг гапириди Абдулла у томон судралар экан. – Ҳозир... ҳозир сизга ёрдам бераман... ўзимизниларга етиб оламиз...

У боши ва жагининг мислсиз оғриғидан лунжини ушлаганча Ращупкин ёнига яқинлашди. Оғир ярланган капитан гавдасини тута олмасди. Абдулла бор кучини тўплаб, унинг беҳол гавдасини кўтариб орқага қайти, санитарлар ёрдамига умид боғлади. Бироқ кўп қон кетгани сабаб, дармонсизлик устун келди, узоққа боролмай, ерга йиқилди.

«Командир... командирни кутқаришим керак. Бу менинг бурчим, эплайман, буни эплайман...» Абдулла капитанни опичлаб эмаклашга тушди энди. Бу тик юришдан-да оғир эди. Шу сабаб...

Боши дока билан ўралган Абдулла дала госпиталида кўзини очди. Ҳужумни муваффақиятли якунлаган сафдошлари жангнинг қизғин пайтида рота командири ва Абдулланинг ярадор бўлиб йиқилганини қуришганди. Шу сабаб, разведкачилар душман линиясини тор-мор келтиргач, бир зум

ҳам тўхтамай дўстларини қидириб топиш учун ортга қайтиши. Улар етиб келганида беҳуш ётган Абдулла ва унинг қўлида жон берган командирнинг жасадини кўришди...

Ўт-олов Абдулла яраси тузалар-тузалмас госпиталдан чиқишига ҳаракат қилди. У хизмат қилаётган қисм фашистларни таъқиб этиб, анча узоқлашиб кетган бўлиши керак. Ахир, бир ота-онанинг фарзандидек бўлиб қолган сафдош биродарларидан ажралса, кейин уларни қаердан топади. Унинг шифокорларга қилган минг бир илтимоси натижасиз қолди. Даволовчи врач йигитнинг саломатлиги обдан тиклангач, кейин рухсат берди. Абдулланинг дил дардини хис қилган холда, қисмнинг айни фурсатда қаерда эканлигини аниқлаб, уни ўйловчи машинага чиқариб юборди.

1943 йил охирлари. Фашистлар енгилаётганини билса-да, ярадор чиябўридек жон талвасасида ҳамма нарсани ғажишига тайёр. Ҳимоя чизигини мустаҳкамлаб, жангчиларимизнинг силжишига йўл қўймасди. Туришидан қайта ҳужумга ўтишига тайёрланаётган эди.

Маҳв этилаётган аламзада душман нимага ишоняпти, қанча кучга эга, режаси-чи? Буни аниқлаш мушкул, лекин шарт. Бунинг учун ҳужумнинг карта-схемаси ёки буни аниқ биладиган «тил» зарур. «Тил» бўлганда ҳам албатта масъул вазифадаги офицер бўлиши керак. Уни қўлга киритиш эса ўта мушкул. Чунки душман Сталинград остонасида кетидан тепки егандан бўён ҳушёрикни юз баробар оширган. Офицерларини фронт линиясидан анча ичкарида сақлайди. Шунинг учун бу вазифани амалга оширадиган разведка гурухи ўта чаққон, тадбиркор ва довюрак бўлиши лозим.

Дивизия командири бу мухим операцияга Абдулла ва унинг дўстларини танлади. Гуруҳ ярим кун давомида душман эгаллаб турган ҳудудга қаердан кириш мумкинлигини ўрганди. Бориладиган Кременчуг қишлоғи харитаси билан танишди. Режа сўнгиде душман ичига киришнинг икки хил йўли ўртага ташланди. Старшина Абдулла Қурбоновнинг таклифи ўринли топилди.

Абдулла белгиланган жойга етиб келганида тонг ёриша бошлаганди. У буталар ичидан ётиб, қишлоқ четидаги уйни кузатишига тушди. Кўп фурсат ўтмай, уйдан ёши олтмишларга яқин аёл чиқди. Бир қучоқ ўтин олиб, қайтиб кириб кетди. Йигит кузатишида давом этди. Бошқа ҳеч ким кириб чиқмади. Атроф сокин, ҳудди уруш бўлмаётгандек, фашист газандалари бу ерга келмагандек, гўё.

Абдулла уй томон боришига қарор қилди. Етиб боргач, тўплончасини отишга тайёрлаб, ичкарига қулоқ тутди, жимжитлик. Оҳисталик билан уйга кириди. Иккинчи хонада бошини икки қўли орасига олганча, чўнқайиб ўтирган кампирга кўзи тушди. У эшиқдан беруҳсат кириб келган «душман»га бепарво тикилди. Бу ҳолат Абдуллага ёқмади. Кўнглидан бир зум «ўзини хокисор кўрсатиб ўтирган бу аёл балки душман томондир», деган ўй ўтди.

– Онажон, ёлғиз ўтирибсиз, – деди эҳтиёткорликни унутмай.

У русчани бузиб талаффуз этгани учунни ёки эгнидаги маска кийим душман мундирига ўхшаб кетгани учунни, кампир уни душман аскари деб ўйлади чоғи:

– Ёвузликни қилиб, яна ҳол сўрайди-я! – деди алам ва ғазаб билан.

– Кечирасиз, бу нима деганингиз, мен сизга нима қилдим?

– Яна кечирим сўрайди, безбет! – кампир қаҳр билан ўрнидан дик турди-да, бақира кетди. – Мени ҳам у дунёга жўнатиб қўя қол иблиц, от, от нимани кутяпсан!..

Абдулла кутилмаган бу ҳолатдан саросимага тушиб қолди ва ёлворган кўйи:

– Секин, онажон, секин. Мени душманга сездириб қўясиз-ку, – деди уй деразасидан ташқарига кўз югутириар экан.

– Нимани сездириб қўяман? – ҳамон ўша кайфиятда тўнғиллади кампир.

– Ахир мен ўзимизниларданман, ўзимизники.

– Нима?! – кампирнинг кўзлари катта очилди ва зум ўтмай ёшга тўлди.

– Ҳа, онажон, мен у ёқдан ўтиб келдим. Разведкачиман. Фашистларнинг куни битди, ҳадемай бу ерлар озод этилади.

– Эҳ, сизлар, олдинроқ қаерда эдингиз? Мен бағриқон бўлиб ёлғиз қолмасдим.

Кампир хўнграб йиглаб юборди. Унинг оғир дарди борлигини ҳис қилиб турган Абдулла ўзига келишини кутди. Аёл кўз ёшлари юзини ювганча, сўз бошлади:

– Менинг олти ўғил, уч келиним бор эди... Катта ўғлим фронгта чақирилганча дом-дараксиз. Уч ўғлим, уч келинимни уйинг кўйур фашистлар кўз олдимда чопиб ташлади... Кенжатойим... тириклай қудуққа ташланди... Ўртанчам эса партизанлар орасида эди. Куни кеча...

У бошқа гапира олмади. Абдулла унга қандай таскин берарини билмай қотиб турарди. Кўз олдида беихтиёр фашистларнинг «ўлик бошлар» гурухи томонидан эски саройда амалга оширган ваҳшийликлари жонлангандек бўлди. Кўллари муш бўлиб тугилди. Ёшгина йигит бу ахволда бағри куюк онага нима деб, қандай тасалли бера оларди?..

Абдуллани мухим вазифа кутмоқда. Уни тезроқ бажариши шарт. Шериларидан эса ҳалигача дарак йўқ. Кампирга муддаосини айтмаса бўлмайди.

– Онажон, разведкачни шериларидан дарак бўлмаяпти. Муаммо бўлганга ўхшайди. Топшириқни ўзим уддалашимга тўғри келади чоғи, ёрдам бера оласизми?

– Қўлимдан нима ҳам келарди, ўғлим, –маъюс жавоб қайтарди аёл.

– Менга душман штаби керак. Қаерда эканлигини айтиб берсангиз бўлди, у ёғини ўзим эплайман.

– Қизиқмисан, ўғлим, ҳовлидан ташқарига чиқмай қўйганимга қанча бўлди. Газандалар кўзига сал хунук кўринган одамни отиб ташлайверади. Шунинг учун... Тўхта-чи, – кампир нимадир ёдига тушгандек бир муддат жим қолди. – Анави ердаги чорраҳага негадир машиналар те-тез келиб-кетиб туради. Балки ўша сен айтган жойдир...

Абдулла кампир кўрсатган жойни билиб олгач, қоронги тушишини кутди. Пана-пастқам жойлар, дарахт ва буталар оралаб ўша томон юрди. Гоҳида тик юриб, гоҳида эмаклаб чорраҳага яқин борди. Бироқ ҳеч қандай сирли бино кўзга ташланмади. Эмаклаган кўйи кампир кўрсатган жойга янада яқинлашди. Шунда, дарахтлар орасидаги пастликда чироқ ёнаётганини кўрди. Абдуллани айни фурсатда оғир синов ва ҳайратомуз жасорат кутарди...

(Давоми кейинги сонда)



Зулфия ЮНУСОВА,
«Vatanparvar»

ҚИЗИҚАРЛИ ФАКТЛАР

БҮЮКЛАР ҲАЁТИДАН

Уильям Шекспир 23 апрелда туғилиб, айнан 23 апрелда вафот этган. Унинг Гамлет исими ўғли бўлган.

Маурицио Отелло деган шахс Шекспир даврида ҳақиқатан ҳам Италияда яшаган. Лекин италиялик, оқ танли, дengиз капитани бўлган.

Даниэль Дефо – «Робинзон Крузо»нинг муаллифи умри давомида 300 дан ортиқ асар ёзган. У инглиз миллий разведкасининг асосчиси саналади.

Иоганн Вольфганг Гёте тутунни умуман хушламаган. У ҳатто ошпазини уйни тутатиб юборгани учун исдан бўшатиб юборган. Бирор аламзода ошпаз кетиш олдидан сигарет чекиб, шоирдан ўч олиб кетган экан.

Оноре де Бальзак ҳар куни ижоддан олдин 7-8 чашка қаҳва ичган. Умри давомида эса тахминан 50 000 чашка кофе истеъмол қилган.

Ўз романида қайсиdir қаҳрамони ўлганида, Бальзак инфаркт бўлиб қолган экан.

Александр Дюма ўз қаҳрамонларини тирик деб хисоблаган. У ўз образлари ҳақида қайғурган. Улар билан сұхбатлашган, кулишган, дардлашган.

Адиб дивандга мук тушиб, қўллари остига ёстиқ қўйиб, асар ёзган. Унинг умри давомида ёзган асарлари умумий 2 000 жилдни ташкил қилишини машҳур рухшунос Дейл Карнеги ўз китобида таъкидлаган.

Николай Гоголининг ошпазлик истеъоди ҳам бор эди. Римда яшаганида италиялик ошпазлардан барча сир-асрорларни ўрганиб олиб, макарондан ажойиб таомлар тайёрлаб, сўнг дўстларини меҳмон қилган экан.

Иван Тургенев дворянъя оиласида туғилган. У мохир овчи ва файласуф эди.

Тургеневнинг вафотидан сўнг, экспертлар унинг мияси оғирлигини текшириб кўришган ва адиб мияси 2,5 кг оғирлиқда эканини аниқлашган. Оддий одамларнинг мия вазни

ўртача 1,5 кг, га яқин бўлишини ҳисобга олсан, рус ёзувчисининг ҳаддан зиёд кучли, қому-сий билим ва тафаккурга эга бўлгани маълум бўлади.

Лев Толстой Ясная Полянани жуда яхши кўрган. Эрталаб барвақт туршига одатланган. Қатъий кундалик тартибига амал қилган. Велосипедда сайд қилиши ҳам ёқтирган.

Марк Твен каравотда ётиб, ижод қилган. У денгизчи бўлгани учун ҳам «mark twain» – икки денгиз сажени, яъни чукурликнинг ўлчов бирлиги атамасини ўзига тахаллус қилиб олган.

Артур Конан Дойлнинг машҳур образи «Шерлок Холмс»нинг прототипи аслида муаллифнинг ўзи бўлганини замондошлари кўп бора эътироф этишган. Чунки ёзувчи ўз қаҳрамони каби жуда синчков, ўткир зеҳнли ва топқир бўлган. Кўплаб давлат арбоблари ундан жумбокли масалаларни ечишда ёрдам сўрашганида, Конан Дойл – Холмс услубида уларга кўп бор кўмаклашган.

Жек Лондон асарлар ёзишина роса ёмон кўришини кўп бора таъкидлаган. Китобларни фақат тирикчилик учун нашр эттирган экан.

Америкалик адиб 17 ёшида денгиз қароқчиларига қўшилиб, Беринг бўгози, Альяска, Шимолий Океан ва Япония қирғоқларига бориб келган. Ўша йили Сан Францискодаги газетада очерклар танлови голиби бўлган.

Бернард Шоу ҳам Оскар соврини, ҳам Нобель мукофоти олган ягона адиб саналади.

Гуласал ТУРСУНОВА,
Фарғона давлат университети
1-курс талабаси

ХОРИЖ АРМИЯЛАРИДА

НОРВЕГИЯ ҲАРБИЙ ҲАВО КУЧЛАРИ

Конституцион монархия давлати ҳисобланувчи Норвегия қироллиги Шимолий Европада, аникроғи, Скандинавия яриморолининг ғарбий ва шимолий қисмидаги жойлашган. НАТОга аъзолик, АҚШнинг альянс имкониятларини янада кенгайтириш ва унга глобал ташкилот мақомини бериш борасидаги ҳар қандай ташаббусларини қўллаб-қувватлаш Норвегия ҳарбий сиёсатининг энг муҳим устуворликлари қаторидан жой олган. Мамлакат ҳарбий-сиёсий раҳбарияти фикрига кўра, НАТО нафақат миллий ҳудудни ҳимоя қилишда ёрдам беради, балки Норвегия учун иқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган Арктика минтақасида ҳам мамлакатни қўллаб-қувватлади. Ҳозирги даврда амалга оширилаётган ҳарбий ислоҳотларнинг асосий йўналишлари 2016 йилда мамлакат ҳукумати томонидан қабул қилинган «2017–2020 йиллар мобайнида Норвегия Қуролли Кучларини қуриш ва уларни истиқболда янада ривожлантириш режаси» ҳамда Мудофаа вазирлиги томонидан 2019 йил февралида тайёрланган «2019–2026 йиллар мобайнида мудофаа соҳаси учун мўлжалланган харидлар режаси»га асосланади.

НОРВЕГИЯ ҲАРБИЙ ҲАВО КУЧЛАРИ

Умумий сони – 3,5 минг киши

Жанговар авиаация самолётлари
– 100 дан ортиқ



Ёрдамчи авиаация самолётлари
– 20 та



Жанговар вертолётлар
– 40 тага яқин



Зенит-ракета комплекслари
– 100 дан зиёд



Будёда жойлашган асосий авиабазадан Норвегия ҲҲК ва фуқаро авиаацияси ҳамкорликда фойдаланади. Авиабаза шахсий таркибининг умумий сони деярли 1 000 кишини ташкил этади. Бу ергаги мавжуд ускуналар барча типдаги ҳарбий самолётларни, шу жумладан АҚШ Ҳарбий ҳаво кучларининг В-52Н типидаги стратегик бомбардимончи самолётларни қабул қилиш учун мослаштирилган. Базада ядровий қиролларни сақлаш учун мўлжалланган омборлар ҳам мавжуд. Эрланн авиабазаси эса Е-3А «Авакс-НАТО» типидаги самолётларни жойлаштириш учун зарурий инфратузилмага эга бўлган Европа шимолидаги ягона база ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда Ҳарбий ҳаво кучларининг ташкилий-штат тузилмасини оптималлаштириш, авиаация қанотларини қайта тузиш, шунингдек, авиаация эскадрильялари ҳамда техник хизмат кўрсатиш бўлинмаларининг жойлашув тизимини қайта кўриб чиқиш ишлари амалга оширилмоқда.

Кўп мақсадли қирувчи самолётлар харид қилиш дастури доирасида АҚШнинг «Локхид-Мартин» концерnidан 10 та F-35 типидаги самолёт олинган бўлиб, уларнинг бир қисми АҚШ Ҳарбий ҳаво кучларининг Льюк (Аризона штати) авиабазасига жойлаштирилган ва асосан норвегиялик учувчилар ва техник ходимларни тайёрлаш учун фойдаланилади. Бундан ташқари, мамлакат ҳарбий раҳбарияти мавжуд авиаация паркини янгилаш мақсадида 2024 йилгача бўлган даврда Р-3C/N «Орион» типидаги патруль авиаацияси самолётларини АҚШда ишлаб чиқарилган P-8A «Посейдон» русумли самолётлар билан алмаштиришни режалаштирган.

Ҳарбий ҳаво кучларининг оператив ва жанговар тайёргарлиги бошқарув органлари, қисм ва бўлинмаларнинг ўзаро уйғунлигини янада такомиллаштириш, шахсий таркибининг профессионал малака ва кўнинмаларини мунтазам равишда ошириб боришга йўналтирилган. ҲҲК учун мутахассислар тайёрлаш миллий ҳарбий ўқув муассасаларида, шунингдек, бир қатор хорижий давлатларда амалга оширилади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Норвегия ҳарбий раҳбарияти миллий ҲҲКни ривожлантириб боришни устувор масалалардан бири, деб ҳисоблайди. Бунда авиаация паркини янгилаш ва аэродром-база тузилмасини мавжуд куч ва воситаларни самарали қўллаш, шунингдек, ундан Шимолий альянс манфаатларида фойдаланиш учун қайта жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

П. САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.

АСИРЛАР АЛМАШИНУВИ БОШЛАНДИ

Озарбайжон ва Арманистон асиirlar ва гаровга олингандарни алмашибни бошлади. Бу ҳақда Озарбайжоннинг ҳарбий асиirlar, гаровга олингандар бедарак йўқолган фуқаролар ишлари бўйича давлат комиссияси маълум қилди.

Таъкидланишича, асиirlar «барчани барчага» тамойили асосида алмаштирилади. Келишув нафақат охирги ойларда Тоғли Қорабоғдаги ихтилоф давомида асирга олингандарга, балки аввалроқ асирга тушганларга ҳам амал қиласди. «Озод этилганлар тегишли карантин чоралари ўтказилгандан кейин оиласлари билан кўриша оладилар», дейилган хабарда.

ЭНГ ҚИММАТ ШАҲАРЛАР

ECA International консалтинг компанияси яшаш учун энг қиммат шаҳарлар номини эълон қилди. Рейтингда энг юқори ўринларни Ҳонгконг (Хитой), Токио (Япония), Нью-Йорк (АҚШ), Женева (Швейцария) ва Цюрих (Швейцария) эгаллади. Улардан кейинги ўринларга Лондон (Буюк Британия), Тел-Авив (Исроил), Сеул (Корея), Сан-Франциско (АҚШ) ва Йокохама (Япония) жойлашди. Аввалроқ InterNations компанияси эълон қилган рўйхатда энг юқори ўринларни Валенсия, Аликанте ва Лиссабон шаҳарлари эгаллаган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

АВТОБУСДА БЕПУЛ ИНТЕРНЕТ

Жанубий Корея барча автобусларида бепул Wi-Fi интернет тақдим қилинган дунёдаги биринчи давлатга айланди. Мамлакатда 35 минг 6 та йўналишили автобус ҳаракатланади. Жанубий Корея Фан вазирлиги вакилининг таъкидлашича, кейинги 3 йил ичida автобусларда бепул интернетдан фойдаланишдан олинадиган иқтисодий самара 220 млрд вонни (200 млн доллар) ташкил қилиши керак.

ЭЪТИРОФ

«ҚУЁШ БОЛАЛАРИ» НИНГ МЕХРИБОН УСТОЗИ

“ Қуёш ҳамма ерда бир хил нур сочади. Аммо болалари баҳтиёр, тинч ва фаровон яшаётган мамлакатларда у янада ёрқинроқ порлайди, гүё ўзининг қайноқ нурларини аямай тухфа этаётгандек. Зоро, ҳар бир бола – бир қуёш! Ҳар бири ўзгача! Шундай экан, улар тенг имконият ва ҳуқуқларга, меҳр ва ғамхўрликка ҳақлидирлар.



Дунё бўйича, ўртача ҳар 55 боладан бирида даун ёки аутизм синдроми кузатилади. Даун синдроми мавжуд болаларни бежиз «қуёш болалари», дейишмайди. Чунки улар доимо одамларга кулиб боқишидади. Улар одатий болаларга нисбатан кўпроқ меҳр-муҳаббатга, эътибор ва кўмакка муҳтоҷ.

Ҳилола ТОХТАМУРОДОВА 23 ёшда. У ёш бўлишига қарамасдан «қуёш болалари»ни қалбан яхши тушунади. Қаҳрамонимиз республикамизда биринчи марта кенг қамровда ўтказилаётган «Дунё сен билан» лойиҳасининг асосчиси. Ушбу ташаббус айнан даун ва аутизм синдроми мавжуд болаларни турли хил қўл меҳнати ишлари орқали ақлий ва жисмоний ривожлантиришга, эшитиш ва гапириш қобилиятларини ўстиришга, жамиятда ўз ўрнини топиш учун ёрдамлашишга қаратилган хайрли лойиҳа.

– Болалигимдан ҳунармандликка айрича меҳрим тушган. Эсимни танибманки, қўл меҳнати бўлган заргарлик ва қаштачилик билан шуғулланаман. Қўлимдаги ҳунаримни етти йилдан бўён даун ва аутизм синдроми мавжуд болаларга ўргатиб келаман. Бунга сабаб, қўшнимизнинг қизи ушбу касалликдан қийналарди. Онаси ҳар доим қизининг ақлан ва жисмонан заифлигидан, келажакда соғлом кишилар сингари ҳаётда ўз ўрнини топа олмаслигидан ўксинарди. Қизи Гулноза жуда чиройли, ҳар сафар юзимга кулиб қаради. Бир куни у билан «тил топиш»дим. У иш столимдаги заргарлик буюмларига ҳавас билан қараб: «Мен ҳам шу ишни қиласман, менга ўргат», деди. Ўшандада бу сўзлар кун келиб ҳаётимнинг ажралмас қисмига айланишини билмагандим. Жажжи қизалоқ дудукланиб зўрға гапирав, буюмларни қўлларига олишга қийналса-да, унинг қалбida ҳунар ўрганишга бўлган меҳрни хис қилдим. Бошида бирга ишлашга қийналдим, негаки даун синдромли болалар соғлом болалардан кўра имкониятлари чекланган бўлади. Бундай болалар билан «тил топишиш» усусларини ўргатадиган ўқув қўлланмаларни ўқидим, соҳа мутахассисларидан маслаҳатлар олдим.

Вақт ўтиб, Гулнозада ижобий психологик ўзгиришлар содир бўлди. Онаси қайта-қайта раҳмат айтади. Албатта, даун синдромига эга болани тарбиялаётган ота-оналарга жуда ҳам қийин. Чунки улар бемор фарзандига соғлом болага қараганда кўпроқ куч сарфлашлари лозим. Шу билан бирга, уларда кичкина бир инсоннинг улгайишида бевосита иштирок этиш, унинг ютуқлари ва мудаффақиятларидан қувониш каби қизиқарли йўлни босиб ўтиш имконияти ҳам бор. Уларнинг фарзанди эса бунга жавобан албатта ўзининг меҳр-муҳаббати билан жавоб қайтариши шубҳасиз. Бундай фарзанд ҳеч қачон ўз ота-онасидан юз ўғирмайди, – дейди қаҳрамонимиз.

Ҳилола Ўзбекистон Республикаси Ҳунармандлар уюшмасининг аъзоси, Лондон шаҳридаги Евроосиё санъат уюшмаси аъзоси, 10 дан ортиқ ҳалқаро санъат танловлари лауреати, 15 дан ортиқ илмий ва публицистик мақолалар муддати, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари бўйича агентликнинг Марказий Кенгаши фаоли, «Қизлар овози» клуби координатори, шунингдек, 20 дан ортиқ ҳалқаро ижтимоий фуқаролик форумларининг иштирокчисидир. Бугунги кунда у ушбу касалликка чалинган болалар учун биринчи марта ўзбек тилида маҳсус услубий қўлланма тайёрлаяти. Даун ва аутизм синдроми мавжуд болалар тўгарагини очиб, унга бошчилик қилади. Ҳозирда тўгаракда 25 нафар бола ҳунар ўрганмоқда. Статистик маълумотларга қараганда, мамлакатимизда ҳар йили даун ва аутизм синдроми билан 2 000 нафарга яқин болалар дунёга келади.

Суҳбат давомида у ушбу болалар билан ишлаш жараёнида ортирган тажрибалири билан ўртоқлашиди.

– Зоро, ҳар бир ногирон боланинг жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши жуда ҳам муҳимдир. Аввало, боланинг «одамларга қўшилиши» безиён кечиши учун бир нечта жиҳатларни эътиборга олиш зарур, дейди руҳшунослар. – Биринчидан, фарзандингизнинг фаол ўйинларга қўшилиш имконияти чекланганлигини инобатга олиш лозим. Демак, сиз фарзандингиз чарчаган пайтни ўз вақтида сезишингиз ва уни ўйиндан чалғитиб, бир ўзи ўтиришига имкон яратишингиз керак. Бундан ташқари, у тенгдошлари қила оладиган ишларнинг ҳаммасини ҳам



бажара олмайди. Бу ҳолатни ҳам хотиржамлик билан қабул қилиш лозим. Иккинчидан, бошқа болаларнинг ота-оналари билан муносабатларни йўлга кўйиш керак. Улар фарзандингизнинг хасталиги ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлмасликлари мумкин. Мана, фарзандингизга ҳар доим ҳамма ишда устоз бўлишига кўниқдингиз. Ҳар бир кўниқмани у сиздан ўрганади, бу бошқа болалар билан мулоқот қилиш қобилиятига ҳам тегишили. Дастребаки пайтларда мулоқотни ўзингиз саҳналаштиришингиз керак бўлади. Бунда фарзандингизга шунчаки «болага қўлингни бер», демасдан, фарзандингизнинг қўлини олиб, бошқа боланинг қўлига кўйинг. Бошқа болага бир нечта саволлар беринг, биргаликда ўйнаш қанақалигини яратинг, яъни хатти-ҳаракатлар моделини яратинг. Астасекин фарзандингиз ҳаммасини ўзи қила бошлайди, аммо буларни унга ўзингиз ўргатасиз. Болангиз уч ёшга тўлганида сизнинг ижтимоий алоқаларингиз анча кенгайиши мумкин. Биринчидан, бу ихтисослашган болалар боғчаси бўлиши мумкин. У ерда бола тарбиячилар ва маҳсус педагоглар кузатуви остида кичикроқ гуруҳда бўлади. Аммо бу замонавий таълим тизимлари бўйича шуғулланадиган оддий минигуруҳ бўлиши ҳам мумкин. Фарзандингиз логопед гуруҳига қатнашса, у ердаги мутахассислар фарзандингизнинг нутқини яхшилашади. Ахир бу пайтга келиб, фарзандингизда анча-мунча сўз бойлиги пайдо бўлади, сўзларнинг сони эса ошиб бораверади. Энг муҳими, боланинг психологик ҳолатини тўғри тушуниш. Бундай болалар ҳеч қачон тушкун кайфиятни, камситилишни кўтара олмайди. Шунинг учун ҳам улар «қуёш болалари»дир.

Ҳаётни қалб кўзи ила илғаган тенгдошимизнинг саховатли ишлари таҳсинга лойиқ. Баракалла, Ҳилола!

Айжамал ЖОЛДАСБАЕВА



ТОЛИБЛАР ҲУЖУМИ ОҚИБАТИДА



«Толибон» ҳаракати жангарилигининг Боглон вилоятидаги блокпостга ўюштирган ҳужуми оқибатида Афғонистон хавфсизлик кучларининг 13 нафар ҳарбий хизматчиси ҳалок бўлди. Бу ҳақда Ariana News телеканали хабар берди. Ўз навбатида, 1TV телеканали ўз манбасига таяниб, Урузғон вилоятида жангарилар ҳужуми оқибатида 13 нафар ҳарбий ҳалок бўлгани тўғрисида хабар қилди.

Афғонистон ҳукумат кучлари ноябрь бошларида Қандаҳор вилоятида ўтказган амалиёт давомида «Толибон» ҳаракатининг 100 дан кўпроқ жангарилини йўқ қилганди.

ЖАВОБГАРЛИКНИ ЗИММАСИГА ОЛАДИ



Қирғизистон президентлигига номзод Садир Жапаров мамлакат президенти вазифасини бажарувчи бўлиб турган вақтда икки қудасини мансабга тайинлаганини тан олди. Бу ҳақда «24.kg» хабар берди. Президентликка номзоднинг қайд этишича, у кудаларининг лавозимга тайинланганини яширмайди ва бунинг учун жавобгарликни зиммасига олади.

Турсубек Тумонбоев 21 октябрь куни газ таксимлаш станцияси ҳузуридаги «Унаа» давлат муасасаси раҳбари этиб тайинланган. Яна бир қудаси – Таштанбек Қаймазаров давлат миграция хизмати раиси бўлган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

НОРОЗИЛИК НОТАСИ ТОПШИРИЛДИ



Россия давлат дума-сининг қўмита раиси В. Никоновнинг «Биринчи канал»даги «Катта йўйин» кўрсатувидаги Қозогистон худудининг катта қисми аслида қозоқларга Россия томонидан совға қилингани ҳақидаги гапларидан кейин Қозогистон Ташқи ишлар вазирлиги Россиянинг вақтинчалик ишончли вакили А. Комаровга жамоатчилик олдида айтилган бундай гаплардан таажжуబаниш изҳор этилган нотани топшириди. Бу ҳақда Meduza хабар бермокда. ТИВда қайд этишларича, «rossиялик баъзи сиёсатчиларнинг Қозогистонга нисбатан гижгижловчи хуружлари кўпайиб қолиши иттифоқдошлик муносабатларига жиҳдий зарар етказади».

ОИЛА ГУЛШАНИ

“ Кичик сержант Элдорбек Эшмуродов оиласини кўпдан бўён танийман. Тўғрироғи, мухбир сифатида «Намунали ҳарбий оила», «Энг яхши китобхон оила» кўрик-танловларида Элдорбек ва Муҳайёхонни билимдон, зукко ва баҳтиёр жуфтликлар қаторида кашф этганман. Шу сабаб, улар ҳақида икки оғиз сўз юритгим келди.

Йиллар ўтиб, орзу азму қарорга айланди, йигит ҳарбий либос кийди.

Инсон баҳти такдир йўли билан, яъни ўзига муносиб умр йўлдош билан узвий боғлиқ. Элдорбек билан Муҳайёхоннинг кўнгил майлини катталар илик қарши олишди. Ота-оналар розилиги ила янги оиласа асос солинди – севишганлар муродига етди. Мана, шунга ҳам ўн бир йил бўляпти. Ортда қолган йиллар баҳтиёр жуфтликни қандай тухфалари билан сийлади, қандай синовлар билан қарши олди? Жавобни кичик сержант Элдорбек Эшмуродовдан оламиз.

– Мен, аввало, ҳар бир эришган ютуғим учун ота-онамдан миннатдорман. Отам бир умр ер билан «тиллашган» меҳнаткаш дехқон ва боғбон, онам эса узоқ йиллар ҳамширалик қилиб, инсонлар дардига дармон бўлган. Қишлоғимиздаги кўплаб инсонларнинг дунёга келишида доялик қилган. Ҳарбий либос кийиб, хизматда ўрин топишимида уларнинг меҳнати ва эзгу дуосининг ўрни катта.

Танлаган касбим эса менинг фахрим, шубҳасиз. Ватанимиз тинчлиги, осмонимиз мусаффолигига оз бўлса-да улуш кўшиб келаётганимдан хурсандман.

Оиласи ҳақида сўз юритадиган бўлсам, рафиқам билан аҳил-иноқлиқда яшаб келяпмиз. Албатта, муаммосиз оиланинг ўзи йўқ. Икки инсоннинг бир-бирини тўғри тушуниб, синовларни енгиг ўтиши осон эмас. Бунинг учун сабр-тоқат,

БАХТИЁР ЖУФЛИК ҲАҚИДА ИККИ ОҒИЗ СЎЗ



мehr ва садоқат талаб этилади. Бугун икки фарзанднинг ота-онасимиз. Ўғлим Нурсайд ва қизим Барчиной бизнинг баҳтишимиз. Иккиси ҳам китобга, спортга, чет тилларни ўзлаштиришга, расм чизишига қизиқади. Турли танловларда иштирок этиб, эътирофларга сазовор бўляпти. Ўғлим келажакда ҳарбий хизматчи бўлмоқчи. Бундан жуда хурсандман. Демак, Ватан ҳимоячиси, ҳарбий оила деган нуғузли шаън фарзандим орқали давом этади.

Кичик сержант Элдорбек Эшмуродов оиласи жорий йилда ўтказилган «Намунали ҳарбий оила» кўрик-танловининг қўмондонлик босқичида биринчи ўринни кўлга киритди. Юзлаб оиласида орасида танловда иштирок этишига муносиб бўлишининг ўзи таҳсинга сазовор. Албатта, бу юксак эътирофда ҳарбий оила соҳибаси Муҳайёхоннинг ҳам катта улуши бор. Негаки, оила нуғузини асрашда, юзага чиқаришда аёлнинг ўрни беқиёс.

Муҳайёхон бекалик бурчини чиройли уddaлаш билан бирга, тадбиркорликка кўл урган гайратли аёллардан. У айни фурсатда «Тошкент ширинликлари» номи билан ихчамгина пишириқлар тайёрлаш цехини очган. Пазанда аёлларни атрофига бирлаштирган. Келгусидаги режалари – тадбиркорлик йўналишини янада кенгайтириш, юртимиз ободлигига муносиб улуш қўшиш.

Оила – бетимсол муззам гўша. Унга садоқатли бўлиш, уни авайлаш эр ва аёлдан ўз ўрнида заҳмат, ўз ўрнида муҳаббат талаб этади. Лавҳамиз қаҳрамонлари Элдорбек ва Муҳайёхон оиласини кафтида асраб келаётган, намунали ҳарбий оила шаънига муносиб бўлган, касбида ўрин топган фидойи инсонлардан. Уларга тилагимиз битта: баҳtingиз барқарор бўлсин!

Зулфия ЮНУСОВА

ШУКРОНА

БИЗ БАХТЛИ ОТА-ОНАЛАРМИЗ

“ Мактабда ўқиб юрганимда армияга бориши орзу қиласдим. Такдир тақозоси билан 1968 йил Россиянинг Свердловск вилояти Нижний Тагил шаҳрида касб-хунарга ихтисослашган уч ойлик курсда ўқишни бошладим. Рус тилида эркин гапира олмасада, касбни ўрганишим яхши эди, паст баҳо олмасдим. Қўмондонга билдириг беришни дастлаб взвод, рота, кейинчалик батальон миқёсидаги турли маросимларда айнан менга ишониб топширишарди. Батальон командири полковник Жуков ҳам билдириг беришимдан мамнун бўлиб, «Сендан ҳақиқий ҳарбий хизматчи чиқади», деб қизиқтирад, фанлардан ўзлаштиришимни тақдирлаб турарди.

Уч ойда бир эмас, уч мутахассислик бўйича касб ўрганишимга ва улар бўйича имтиҳон топширишимга ижозат берилди. Касблар бўйича синовларни аъло баҳоларга топширдим ва менга кичик сержант унвони берилди. Ҳарбий отрядда хизматни бошладим. Отряд командири подполковник Рибяков хизмат муддатим тугамасдан «Пропоршниклик курси»га йўлланма берди. У ерда ҳаёт бошқача: тилни мукаммал билмасдигим, ўзбек эканлигим учунми, камситишларга дуч



келдим. Аслида ҳарбий бўлишимга отам рози, аммо онам руслар ютида қолишимга рози эмасди. Мен қайтиб келдим ва онамга: «Агар уйланиб, фарзанд кўрсан, ўғил ё қиз бўлишидан қатни назар, биринчи фарзандим ҳарбий бўлишига рухсат берасизми?» деганимда, «Ўз юртимизда бўлса, розиман», деди.

Кейинчалик Самарқанд давлат университетининг Математика факультетини битириб, иш бошладим, уйландим. Аллоҳга шукрлар бўлсин, бирин-кетин олти ўғил ва икки қизнинг ота-онаси бўлдик. Болаларнинг ўқиши, юриш-туришига катта эътибор бериб, меҳри, оқибатли, юртпарвар, меҳнатсевар қилиб тарбиялашга ҳаракат қилдик. Ўзим ногирон бўлсан-да, колҳоздан ер олиб, дехқончилик бўйича ҳам сабоклар бердим. Ўғилларимга, шунингдек, курувчилик сир-асрорларини ҳам ўргатдим.

Тўнгич ўғлим – Олим Самарқанддаги ҳарбий мактабда таҳсил олиб, сўнгра Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим ютида (ҳозирги Куролли Кучлар академияси) ўқиди. Айни вақтда полковник унвони билан Ватанимиз ҳимояси учун хизмат қилмоқда. Кейинчалик укалари Асқар ва Асрор ҳам унинг изидан боришиди. Иккиси ҳам подполковник. Яна бир ўғлим – Азиз Ички ишлар вазирилиги офицери. Одил

– фан доктори, Нодира ва Наргиза маориф соҳасида юкори лавозимларда фаолият кўрсатмоқда.

Ҳар бир ота-она фарзандлари камолини, ўзи етиша олмаган орзулари рӯёбини уларда кўришини жуда жуда истайди. Айниқса, оиласида тўнгич фарзандни яхши тарбиялай олса, Ватанни ардоклаш, оиласига меҳр-муруvvатли бўлиш, ука-сингилларига ота-онани ардоклаш, оиласи башқаришда намуна ва ўйлбошли бўла олади.


Ёшим 73 да. 1991 йилда соғлиғим ёмонлашиб, бронхиал астма касаллигига чалиниб, тўшакка михланиб қолдим. Аллоҳга шукр, фарзандларимнинг юриш-туриши, ўқиши, меҳнатсеварлиги, бир-бiriни хурмат қилиши менга қувват берарди. Оиласи мосий юки турмуш ўртоғим зиммасига тушган кезлардан, фарзандларим ота-она атрофида бирлаша олди.

Тинчлик – тенгсиз неъмат. Қун сайин ривожланиб, жаҳонга кўз тикаётган Ўзбекистонимизда тинчлик-фарновонлик шукуҳи бор. Иккинчи гуруҳ ногиронлиги бўлган ўғлим – Азаматнинг ўғли набирам Умар ҳам бобоси ва амакилари ортидан қолишмай Ватан хизматида йигитлик бурчини адо этмоқда, келажакдаги орзулари беҳисоб. Ҳа, фарзандлар икболи ота-она қалбини турурга, қувончга, узок яшашга, шуқроналикка ундаркан. Фарзандлар билан ҳақли равишда фахрланманам, ўзим эриша олмаган орзуларимга улар эришмоқда. Айниқса, ўғилларимнинг ҳаёти ҳарбий хизмат билан уйғунлигидан беҳад хурсандман, баҳтиман.

Дунёдаги барча ота-оналарга фарзандларининг баҳти камолини кўриш насиб этсин. Биз, ота-оналар эса доим дуога кўл очиб, Аллоҳдан уларга сиҳат-саломатлик, ишларида улкан муваффақиятлар, яхшиликлар сўрашдан чарчамайлик.

**Абдиҳамид МАМАРАУФОВ,
II гуруҳ ногирони, Самарқанд вилояти
Булунғур тумани «Қирқ-Шоди» маҳалласи**

**ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ, БУ – ДУНЁДАГИ ЭНГ МАСЬУЛИЯТЛИ ИШ. ЧУНКИ
БУ БОРАДАГИ БИРГИНА ХАТОЛИК БУТУН ЖАМИЯТГА ХАВФ ТУҒДИРИШИ МУМКИН. Дейл Карнеги**



Bolajon



Ochko'zlikning oqibati

(HIND XALQ ERTAGI)



Dengiz yaqinidagi hind qishloqlaridan birida ochko'z, o'taketgan baxil bir dehqon yashar ekan. Kunlardan bir kuni uning kokos yong'og'i yegisi kelib qolibdi. U bir rupiya pul olib, bozorga boribdi.

– Xo'jayin, kokos yong'og'ing necha pul? – so'rabi u birinchi do'konga yaqin borib.

– To'rt anna, – debdi baqqol.

– Xabaring yo'qmi, kokos yong'og'ining uch annaligini qayerdan topsa bo'ladi? – o'smoqchilab so'rabi dehqon.

Baxil o'sha do'kon yoniga boribdi. Lekin u yerdan ham yong'oq xarid qilgisi kelmabdi. Balki boshqa biror joyda bundan ham arzonrog'i bordir, deb o'ylab u yerdan ham o'tib ketibdi.

Shu zaylda u bir necha soat do'konma-do'kon kezib yuribdi. Bir do'konga borsa, yong'oqning narxi bir anna ekan.

– Og'aynijon, balki sen aytarsan, – debdi u do'kondorga, – kokos yong'og'ini qayerdan bepul topsa bo'ladi, endi sirasini aysam, senga pul bergim kelmayapti.

– Hov anovi yerda, dengiz sohilida. O'sha yerda kokos yong'oqlari o'sib yotibdi. Bor o'sha yoqqa, o'zing uzib ol! Olganing uchun hech kimga pul to'lamaysan, – debdi do'kondor.

Ochko'z sevinib ketib, shu zahoti dengiz tomonga yuguribdi. U yerda kokos daraxti bor ekan. Tirmashib chiqib, kokos yong'og'ini uzmoqchi bo'libdi. Yong'oqning bandi juda ham qattiq ekan, uzilmabdi. Dehqon bor kuchi bilan tortsa ham uzilmabdi. Dehqon munkib yiqilayozibdi. Bir mo'jiza yuz beribdi-yu, dehqon yong'oq mevasiga osilib qolibdi.

Shu orada fil mingan bir kishi o'tib qolibdi.

– Ey, taqsir, xudo xayringni bersin, menga yordam qil! – yalinibdi dehqon. – Filingni bu yoqqa bur! Sen uning ustida turib, meni ko'tarib ol. Xizmating evaziga o'n rupiya beraman.

Filbon rozi bo'libdi. U filni qaytarib kelib, dehqonni ko'tarib olmoqchi bo'lgan ekan, fil yurib ketibdi. Filbon ham dehqonning oyog'idan ushlaganicha osilib qolibdi.


– O'tinaman sendan, yong'oqni qo'yib yuborma! Qo'yib yubormasang men senga o'n ming rupiya beraman, – baqiribdi filbon.

Bu gapni eshitib, ochko'z dehqonning esi og'ib qolibdi. «O'n ming rupiya – bu o'n mingta yong'oq degan gap. Shunaqa ekan, bittagina yong'oqni ushlab turib nima qilaman?» deb o'ylab, yong'oqni qo'yib yuboribdi. Har ikkovi ham dengizga tushib g'arq bo'libdi. Ochko'zlikning oqibati shunaqa bo'ladi!

TOPISHMOQLAR

Pishsa bemaza,
Pishmasa maza.

(Bunqop)



Dum-dumaloq bo'yi bor,
Palovda obro'yi bor.

(Behi)

Kichkina dekcha-
ichi to'la mixcha.

(Anor)

Bir onadan yuz bola,
Yuzovi ham bo'z bola.

(Uzum)

Yer tagida oltin qoziq,
U hammaga bo'lar oziq.

(Sapsi)

Ranjar
jillo
lari
n
o
s
i



ИЖТИМОЙ СҮРОВНОМА

МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ ЮРДОШЛАРИМИЗ НИГОХИДА...

Мудофаа вазирлиги миқёсида олиб бориляётган ислоҳотлар, эришилаётган ютуқлар, натижалар борасида кенг жамоатчиликнинг фикрини ўрганиш мақсадида тузилган

АНКЕТА САВОЛЛАРИ

1. Ҳарбий хизматнинг сиз учун мухим бўлган жиҳати нимада?

- A) Ватан ҳимояси, юртни муҳофаза қилишда.
- B) Ҳарбий либос кийишда.
- B) Жисмоний бақувват ва соғлом бўлишда.

2. Ҳарбий мутахассисларни тайёрлаш борасида қайси таълим муассасаси мухим ўрин тутади деб ўйлайсиз?

- A) Темурбеклар мактаблари.
- B) Олий ҳарбий таълим муассасалари ва институтлар.
- B) Бу ҳақда тўлиқ маълумотга эга эмасман.

3. Мудофаа вазирлиги қўшинларининг жанговар тайёргарлиги ҳақида қай даражада маълумотга эгасиз?

- A) Юрт тинчлиги учун кўксини қалқон қилган қаҳрамонлар хатти-ҳаракати орқали биламан.

Азиз ўқувчилар, ижтимоий сўровномада фаол иштирок этиб, Мудофаа вазирлиги миқёсида олиб бориляётган ислоҳотлар, эришилаётган ютуқлар, натижалар борасида ўз мулҳозазаларингизни билдиринг. Сизнинг фикрингиз биз учун мухим. Бу орқали Сиз миллий армиямизнинг янада ривожланишига, юртимиз осойиштагини асрашга ўз ҳиссангизни қўшган бўласиз.

Б) Халқаро ўқув машғулотлари, мусобақалар ва уларнинг натижалари асосида фикрим шаклланган.

В) Жанговар тайёргарлик тӯғрисида фақатгина оммавий ахборот воситалари орқалигина хабардорман.

4. Ватан ҳимоячилари учун яратилган шароитларнинг қайси бирини энг мухим деб ҳисоблайсиз?

- A) Уй-жой таъминоти.
- B) Ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларига бериляётган имтиёзлар.
- B) Тиббий таъминот ва бошқа имтиёзлар.

5. Сизнингча, армиямизнинг миллийлиги нималарда акс этади?

- A) Ҳарбий либосда.
- B) Кадрлар тайёрлаш борасидаги ислоҳотларда.
- B) Миллийлигимизни янада чукурроқ сингдириш керак.

Анкета саволлари бўйича фикрингизни «Ватанпарвар» Бирлашган таҳририяти манзили – 100164, Тошкент вилояти Қиброй тумани, Университет кўчаси, 1-йи ҳамда vatanparvar09@mail.ru электрон почтаси ва (90) 968-62-08 телеграм манзилига йўллашингиз мумкин.

Таҳририят

ЭКСКУРСИЯ

ЎҚУВЧИЛАР ТАШРИФИ

Самарқанд шаҳрида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Кичик мутахассисларни тайёрлаш марказига «Ватанпарварлик ойлиги» муносабати билан 100 дан ортиқ ўқувчилар ташриф буюрди.

«Ким Ватанга содиқ бўлса, мендурман ўша!»



Хайрулло ЎЛМАСОВ, марказ пресс-атташеси

шиори остида ўтказилган тадбирда ўқувчиларга қурол-аслаҳалар ва ҳарбий техникалар кўргазмаси намойиш этилди.

Ташриф ёшлиарда олам-олам таассуротлар улашди.

Контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар

VATANPARVAR

Муассис:



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МУДОФАА
ВАЗИРЛИГИ

www.mudofaa.uz

Бош мұхаррир
вазифасини вақтинча
бажарувчи
подполковник
Тұлқин Жуманазаров

Навбатчи:
лейтенант
Бобур Элмуродов

Саҳифаловчилар:
лейтенант
Рамиз Валиев
Нодирабегим Валиева

Мұсаҳихлар:
Зебо Сариева
Сайёра Меликўзиева
Мұттар Мелиева

Телефонлар:
котибият: (71) 260-36-50
бухгалтерия: (71) 260-35-20
юридик бўлим: (71) 269-88-91
факс: (71) 260-32-29

ISSN 2010-5541

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва мұаллифларга қайтарилмайди. Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти – «Ватанпарвар» Бирлашган таҳририятиning комп’ютер марказида саҳифаланди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига 2008 йил 6 июндан 0535 рақами билан рўйхатга олинган.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Мұаллифлар фикри таҳририят нұқтаси назаридан фарқланиши мумкин.

Буюртма: г-1262.
Ҳажми: 6 босма табоқ.
Бичими: А3.
Адади: 30 244 нусха.
Босишига топшириш вақти:
14:00.
Топширилди: 14:30.

БИР ЧИМДИМ

Ҳақиқат, баъзи бирорлар тан олмагани билан, сира ҳам ўз моҳиятини ўқотмайди.

Шиллер

БИЛАСИЗМИ?

1206 йилда таҳтга ўтирган Тимучин - Чингизхонни мўғуллар «уммондай улуғ зот», дея таърифлашган. Улар қайси уммонни назарда тутган?

Бирорларни кўнглини ўтирган. Ўзбекистонда 1206 йилда таҳтга ўтирган Тимучин - Чингизхонни мўғуллар «уммондай улуғ зот», дея таърифлашган. Улар қайси уммонни назарда тутган?

БИЛАСИЗМИ?

Хитой манбаларида кўплаб туркистонликларнинг Хитой шаҳарларида савдо қилганлиги ҳақида маълумотлар учрайди. Ана шулардан бирида самарқандлик Шо Жўраали (Шачиээр Алий) Лянгчжуо шаҳрида 670 та от сотганлиги айтилган. Шо Жўраали Туоннинг қайси ҳукмдори даврида Хитой бозорларида савдо қилган?

Бирорларни кўнглини ўтирган. Ўзбекистонда 1206 йилда таҳтга ўтирган Тимучин - Чингизхонни мўғуллар «уммондай улуғ зот», дея таърифлашган. Улар қайси уммонни назарда тутган?

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

Оловли қалқон:
тўпчилар маҳорати

Газета жума куни чиқади.
Газета 1992 йилнинг 24 июнidan чиқа бошлаган.
Нашр кўрсаткичи: 114.
Баҳоси: келишилган нарҳда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш. Буюк Туон кўчаси, 41-йи.

Газета жума куни чиқади.
Газета 1992 йилнинг 24 июнidan чиқа бошлаган.
Нашр кўрсаткичи: 114.
Баҳоси: келишилган нарҳда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш. Буюк Туон кўчаси, 41-йи.